

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ МУХАНДИСЛИК - ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ
“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

“ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ”

“Иқтисодиёт” кафедраси мудири
_____ доц. А.И.Рахматуллаев
“_____” _____ 2016 йил

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Иқтисодиёт” факультети декани
_____ и.ф.д., проф. А.Ф.Хуррамов
“_____” _____ 2016 йил

ҲАЙИТОВ ШОҲРУЗ ШЕРБОЙ ЎҒЛИНИНГ

**“Иқтисодиётни модернизациялашда иқтисодий
субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини
такомиллаштириш йўллари
(Вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси мисолида)” мавзусидаги**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ
ИШИ**

БАЖАРДИ: “Иқтисодиёт” (қишлоқ
хўжалиги) таълим йўналиши
IV-курс И-461 гуруҳ талабаси
_____ **Ш.Ш.Ҳайитов**

ИЛМИЙ РАҲБАР:
“Иқтисодиёт” кафедраси доценти,
и.ф.н. _____ **Ш.Ш.Файзиева**

Битирув малакавий иши кафедрада дастлабки ҳимоядан ўтди

_____ сонли баённома “_____” _____ 2016 йил

ҚАРШИ – 2016 йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИГА ТОПШИРИҚ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Кафедра мудири _____ А.И.Рахматуллаев

“ _____ ” _____ 2016 йил

1. **Талаба:** *Ҳайитов Шохруз Шербой ўғли*
2. **Таълим йўналиши:** *5230100-Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги)*
3. **Битирув малакавий ишининг мавзуси:** *Иқтисодиётни модернизациялашда иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш*
4. **Битирув олди амалиёти ўтилган жой:** *Вилоят Иқтисодиёт Бош бошқармаси*
5. **Битирув малакавий иши раҳбари:** *доцент Ш.Ш.Файзиева*
6. **Битирув малакавий иши мақсади:** *Қашқадарё вилоятида иқтисодиётни модернизациялашда иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш битирув малакавий ишининг мақсади ҳисобланади.*
7. **Иш режаси:**

Битирув малакавий ишининг бўлимлари	Битирув малакавий иши бўлими номи	Бажариш муддати
Кириш	Мавзунинг долзарблигини, илмий ва амалий аҳамиятини, мақсади ва вазифаларини ҳамда илмий янгиликларини ёритиш	28.01.2016-10.02.2016 й.
1-Боб	Иқтисодиётни модернизациялашда иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари ва объектив заруриятини ёритиш	12.02.2016-23.02.2016 й.
2- Боб	Қашқадарё вилоятида иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмаси ривожланишининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш	26.02.2016-23.04.2016 й.
3- Боб	Иқтисодиётни модернизациялашда иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш	25.04.2016-14.05.2016 й.
Хулоса ва таклифлар	Ўрганилган муаммолар бўйича хулосалар бериш, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш	16.05.2016-21.05.2016 й.
Фойдаланилади -ган адабиётлар	Мавзунинг ёритишда илмий манбалардан, дарслик, ўқув қўлланма ва услубий қўлланмалардан фойдаланиш	23.05.2016-28.05.2016 й.

8. Битирув малакавий ишини бажариш учун зарур бўлган материаллар:

а) адабиёт манбалари: Ўзбекистон Республикаси Президентининг, республикамиз ва хориждаги етакчи аграр-иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари ва асарлари.

б) қонуний-меъёрий ҳужжатлар: Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар.

в) статистик ва бошқа маълумотлар: Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт Бош бошқармаси, вилоят статистика бошқармаси ва Қариш шаҳар маълумотлари.

9.Тасвирлаш материаллари: жадвал, чизма ва слайдлар

10.Топшириқ берилган кун: 25.01.2016 йил

11.Ишни топшириш муддати: 02.06.2016 йил

12.Илмий раҳбар: _____ доц.Ш.Ш.Файзиева

13.Кафедра мудирининг битирув малакавий ишини ҳимояга қўйиш ҳақидаги хулосаси

ҚАРШИ МУХАНДИСЛИК –ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
“ИҚТИСОДИЁТ” ФАКУЛЬТЕТИ

5230100-Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги) таълим йўналиши
И-461 гуруҳ талабаси Ҳайитов Шоҳруз Шербой ўғлининг
битирув малакавий ишига

ТАҚРИЗ

Малакавий иш мавзуси: “Иқтисодиётни модернизациялашда иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш йўллари (Вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси мисолида)”

Малакавий ишнинг ҳажми: 95 бет

А) ёзма изоҳ қисми: варақлар сони 80 бет

Б) график қисми: чизмалар сони 15 та

Малакавий иш мавзусининг долзарблиги ва топшириққа мослиги: Қашқадарё вилоятида иқтисодиётни модернизациялашда иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш битирув малакавий ишининг мақсади ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан иқтисодиёт субъектларида кўтариладиган муаммолар ва ушбу соҳани барқарор ривожлантириш бўйича асосланган таклиф ва хулосалар ишлаб чиқиш мавзунинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Малакавий ишнинг ёзма изоҳ ва график материалларнинг таркиби ва бажарилиш сифати Битирув малакавий иши кириш, 3 та боб, ҳар бир бобни ёритувчи параграфлар, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, БМИ Низом талаблари асосида сифатли бажарилган.

Малакавий ишда илмий манбалар, фан-техника ютуқлари ва илғор тажриба натижаларидан фойдаланганлиги: Битирув малакавий ишида илмий манбалар, хорижий тажрибалар, фан ва техника ютуқлари ва илғор тажриба натижаларидан фойдаланилган.

Малакавий ишнинг ижобий томонлари: БМИни бажаришда олинган хулосалар натижасида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар амалиётда қўлланилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Малакавий битирув ишининг баҳоси (максимал -100 балл) ва хулоса: Битирув малакавий иши тугалланган бўлиб, ДАК талабларига тўлиқ жавоб беради ва ишни 90 балл (90 %) билан баҳоланди. БМИни ДАК олдидан ҳимоя қилишига тавсия этаман.

Малакавий иш раҳбари: _____ **и.ф.н., доц. Ш.Ш.Файзиева**
(имзо)

“02” июнь 2016 йил

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК –ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

“ИҚТИСОДИЁТ” ФАКУЛЬТЕТИ

5230100-Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги) таълим йўналиши

И-461 гуруҳ талабаси Ҳайитов Шохруз Шербой ўғлининг

битирув малакавий ишига

ТАҚРИЗ

Малакавий иш мавзуси: “Иқтисодиётни модернизациялашда иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш йўллари (Вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси мисолида)”

Малакавий иш мавзусининг долзарблиги ва топшириққа мослиги: Қашқадарё вилоятида иқтисодиётни модернизациялашда иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш битирув малакавий ишининг мақсади ҳисобланади. Республикамиз иқтисодиётини модернизациялашда иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштиришнинг халқ хўжалигининг барча тармоқлари ривожланишида алоҳида ўрни бор. БМИнинг бажарилиши натижасида олинган ҳар бир натижа иқтисодиётни модернизациялашда иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмаси самарадорлигини ошириш, кўпроқ фойда олишга эришиш, мамлакатимизда бўлаётган иқтисодий ўзгаришлар жараёнидаги натижалардан кенг фойдаланишга имконият яратилади. Мавзу берилган топшириққа мос келади.

Малакавий ишнинг ёзма изох ва график материалларнинг таркиби ва бажарилиш сифати: Битирув малакавий иши кириш, 3 та боб, ҳар бир бобни ёритувчи параграфлар, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, БМИ Низом талаблари асосида сифатли бажарилган.

Малакавий ишда илмий манбалар, фан-техника ютуқлари ва илғор тажриба натижаларидан фойдаланганлиги: Битирув малакавий ишида илмий манбалар, хорижий тажрибалар, фан ва техника ютуқлари ва илғор тажриба натижаларидан фойдаланилган.

Малакавий ишнинг ижобий томонлари ва камчиликлари БМИни бажаришда олинган хулосалар натижасида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар амалиётда қўлланилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Малакавий битирув ишининг баҳоси (максимал -100 балл) ва хулоса

Битирув малакавий иши тугалланган бўлиб, ДАК талабларига тўлиқ жавоб беради ва ишни 88 балл (88 %) билан баҳоланди. БМИни ДАК олдида ҳимоя қилишга тавсия этаман.

Такризчи:

“Ишлаб чиқаришда бухгалтерия ”

кафедраси доценти

и.ф.н. З.И. Рўзиев

“ 03” июнь 2016 йил

МУНДАРИЖА

Кириш.....

I боб. Иқтисодиётни модернизациялашда иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари ва объектив зарурияти

1.1. Иқтисодиётни модернизациялашда иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилма фаолиятини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари ва уларнинг таснифланиши

1.2. Иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантиришнинг объектив зарурияти ва аҳамияти

II боб. Қашқадарё вилоятида иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмаси ривожланишининг ҳозирги ҳолати

2.1. Вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий тавсифи, географик жойлашуви ва инфратузилма ҳолатларининг таҳлили

2.2. Вилоят иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмаси объектларининг ривожланиш даражаси таҳлили ва самарадорлик кўрсаткичлари.....

2.3. Вилоят иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатишни ривожлантиришда инвестицияларнинг ўрни ва ҳозирги ҳолати

III боб. Иқтисодиётни модернизациялашда иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари.....

3.1. Иқтисодиётни модернизациялашда иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантиришда хориж тажрибасининг аҳамияти.....

3.2. Иқтисодиётни модернизациялашда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари..... 3.3.

Иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантиришда замонавий технологияларни жорий этилиши ва инновацияларни қўллашнинг аҳамияти

Хулоса ва таклифлар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Иловалар.....

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакат иқтисодиётини модернизациялашда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш натижасида ишлаб чиқаришни кўп укладлилиқ асосида қайтадан ташкил этилиши хўжалиқ юритувчи субъектлар жумладан, йирик товар ишлаб чиқарувчи-ширкат хўжаликлари, ўрта товар ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликлари ва майда товар ишлаб чиқарувчи деҳқон хўжаликлари сонининг кўпайишига олиб келди. Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалиқ корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва самарали фаолият юритишга кўмак берувчи, уларга ҳар хил турдаги сервис хизмати кўрсатувчи инфратузилма объектларини ҳам ривожлантириш заруратини келтириб чиқарди.

Бу масалага иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифаси сифатида, ҳукумат томонидан алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “...мамлакатимизни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришдан иборат. ...инфратузилмани ривожлантириш кўп меҳнат талаб қилинадиган кенг кўламли соҳа ҳисобланади. Бу янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш имконини беради”¹.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан бири сифатида “асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш”дан иборатдир².

Шунингдек, республикамиз Президентининг бир қатор фармонлари ва улар асосида қабул қилинган ҳукумат қарорларида хўжалиқ юритувчи субъектларга хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини ташкил этиш ва устувор ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган пухта дастурлар асосида кенг кўламли чоратадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Ислохотларнинг ҳозирги босқичига келиб ушбу жараённинг тегишли меъёрий-ҳуқуқий асоси ишлаб чиқилди ва амалда ўз ифодасини топмоқда.

И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Ўтган йили иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, бандликни таъминлаш, одамларимизнинг даромади ва ҳаёт сифатини оширишнинг муҳим омил ва йўналишларидан бири тариқасида **хизмат кўрсатиш ва сервис** соҳасини жадал ривожлантириш борасидаги тизимли ишлар изчил давом эттирилди.

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 48-49 б.

²Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир // Халқ сўзи, 2010.30.01

2015 йилда ялпи ички маҳсулот ўсишининг ярмидан кўпи хизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасига тўғри келгани бу тармоқнинг иқтисодиётимиздаги ўрни ва таъсири нақадар катта эканини кўрсатади. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2010 йилдаги 49 фоиздан 54,5 фоизга етди. Жами банд аҳолининг ярмидан кўпи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда.”³

Битирув малакавий ишининг мақсади. Битирув малакавий ишининг мақсади иқтисодиётни модернизациялашда иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш орқали халқ хўжалиги тизимида замонавий хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш бўйича асосланган таклифлар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Битирув малакавий ишининг вазифалари. Битирув малакавий ишининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгилаб олинган:

- иқтисодиётни модернизациялашда иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмаси турларини кўпайтириш;

- инфратузилманинг марказлашган тартибда амалга оширилиши, қуйи бўғин субъектларида ташаббуснинг етарли эмаслиги, бозор муносабатлари шароитида фаолият юритиш бўйича кўникма ва тажрибасининг етишмаслигини асослаш;

- инфратузилма турларини такомиллаштиришда минтақа шароитлари, яъни технологик-техник, табиий-экологик, ташкилий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий омилларнинг етарлича эътиборга олиниши зарурлигини кўрсатиб бериш;

- хизматларга бўлган талабни реал баҳолаш, яъни хизматларни режалаштирилган ҳолда амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- хизматлар сифати паст, баҳоси эса юқорилигини кўрсатиш, шартномавий муносабатларнинг номукамаллиги, давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш тизимининг етарли эмаслиги тўғрисида таҳлиллар келтириш;

- хориж тажрибасини Ўзбекистонга хос жиҳатларини ўрганиш ва амалиётда қўллаш учун таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишининг объекти. Битирув малакавий ишининг объекти этиб, Қашқадарё Вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси танланган ҳамда объектнинг 2013-2015 йиллардаги барча иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти. Республикамиз иқтисодиётини модернизациялашда иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштиришнинг халқ хўжалигининг барча тармоқлари ривожланишида алоҳида ўрни бор. БМИнинг бажарилиши натижасида олинган ҳар бир натижа иқтисодиётни модернизациялашда иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмаси самарадорлигини ошириш, кўпроқ фойда олишга эришиш, мамлакатимизда бўлаётган иқтисодий ўзгаришлар жараёнидаги натижалардан кенг фойдаланишга имконият яратилади.

³ И.А.Каримов “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир”. “Халқ сўзи”// 2016 йил 16 январ

Инфратузилмани такомиллаштириш учун маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни миқдор ва сифат жиҳатдан кўпайтириш, ижтимоий турмуш тарзини яхшилаш, рақобатбардош маҳсулот сотиш орқали тушум ҳажмини кўпайтириб боришга эришилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек: “2016 йилда иқтисодиётимизни ривожлантириш, модернизация қилиш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш учун 17 миллиард 300 миллион доллар қийматидаги инвестициялар йўналтириш, уларнинг ўсиш суръатини 109,3 фоизга етказиш белгиланган. Ана шу инвестицияларнинг 4 миллиард доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил қилади, бу 2015 йилга нисбатан 20,8 фоиз кўпдир.”⁴.

Битирув малакавий ишнинг таркиби ва ҳажми. Битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Барча маълумотлар 75 бет, 10 та жадвал, 3 та чизмаларда ўз ифодасини топган.

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, вазифалари, объекти, илмий-амалий аҳамияти ҳамда иқтисодиётни модернизациялашда иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштиришнинг аҳамияти тўғрисидаги фикрлар баён этилган.

Биринчи бобда иқтисодиётни модернизациялашда иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари ва объектив зарурияти, иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилма фаолиятини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари ва уларнинг таснифланишининг аҳамияти ёритилган.

Иккинчи бобда эса Қашқадарё вилоятининг ижтимоий-иқтисодий тавсифи, географик жойлашуви ва инфратузилма ҳолатларининг таҳлили, вилоятда иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмаси ривожланишининг ҳозирги ҳолати, иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмаси объектларининг ривожланиш даражаси ва самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили, хизмат кўрсатишни ривожлантиришда инвестицияларнинг ўрни ва ҳозирги ҳолатининг таҳлили келтирилган.

Битирув малакавий ишнинг учинчи бобида иқтисодиётни модернизациялашда иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, яъни иқтисодий субъектлар ва хизмат кўрсатиш инфратузилмаси ўртасида ўзаро иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларини такомиллаштиришнинг тутган ўрни, хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантиришда хориж тажрибаси ва ундан фойдаланишнинг асосий

4 И.А.Каримов. ““Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир”. “Халқ сўзи”// 2016 йил 16 январ

йўналишлари, хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантиришда замонавий технологияларни жорий этилиши ва инновацияларни қўллашнинг аҳамияти кўрсатиб ўтилган.

Хулоса қисмида эса битирув малакавий ишининг ёритилиш жараёнида олиб борилган тадқиқотлар натижасида иқтисодиётни модернизациялашда иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштиришга доир хулоса ва тавсиялар берилган.

I боб. Иқтисодиётни модернизациялашда иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари ва объектив зарурияти

1.1. Иқтисодийни модернизациялашда иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилма фаолиятини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари ва уларнинг таснифланиши.

Иқтисодийни модернизациялашда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида хўжалик юритишнинг янги шакллари хусусан фермер хўжаликларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан фаолият юритаётган хўжалик субъектларига хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларини ривожлантиришни тақозо этади. Чунки, у ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг маҳсулот етиштириш жараёнида сифатли ва арзон агросервис хизматларга бўлган талабини қондиришга ҳаракат қилади. Зеро, агросервис хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш инфратузилма объектларини ҳамда улар хизматидан фойдаланувчилар фаолияти самарадорлигига таъсир этади.

Инфратузилма лотинча “Infrastructure” сўзидан олинган бўлиб “инфра” асос, қуйи ва “структура” тузилиш, жойлашиш каби маъноларини англатади. Инфраструктуранинг шаклланиши ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқариш шарт-шароитларини таъминловчи тармоқларни ривожлантириш ҳамда меҳнат тақсимотини янада чуқурлаштириш жараёнлари билан боғлиқдир.

Жаҳон тажрибасида инфратузилма тушунчаси XX асрнинг бошларида биринчи бор ҳарбий курулти кучларнинг тўлақонли фаолияти юритиши учун зарур бўлган объектлар ва иншоотлар мажмуаси сифатида муомалага киритилган. Ғарб давлатлари тараққиёт босқичининг 1940 йилларига келиб инфратузилма моддий ишлаб чиқариш соҳаларининг фаолиятига зарурий шарт-шароит яратувчи тармоқ ва муассасаларнинг яхлит бир тизими сифатида тушунилган.

Ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб Ўзбекистон олимларининг илмий-тадқиқот изланишларида ва амалиётда инфратузилманинг назарий-амалий муаммолари ўрганила бошланди ва инфратузилманинг ишлаб чиқариш жараёнидаги яхлит иқтисодий тизимнинг зарурий таркибий қисми сифатида тан олинди.

“Инфратузилма – барча иқтисодий тизимнинг таркибий қисмларидан бўлиб, ўзининг кўрсатадиган кўп қиррали хизматлари туфайли халқ хўжалигининг барча тармоқ ва корхоналарининг ички иқтисодий ҳукукий фаолиятини ташкил этишда асос бўлиб ҳисобланади”⁵.

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек, “Инфратузилма комплекси-иқтисодий тизимнинг бутун структураси таянадиган пойдеворидир. Республика бутун халқ хўжалиги комплекси ишининг уйғунлиги, унинг самарадорлиги, шунингдек чет эл сармояларини жалб қилиш ва ўзлаштириш имконияти бутунлай инфраструктура тизими ривожининг ҳолатига ва даражасига боғлиқдир”⁶.

Демак, барча ҳукукий ва жисмоний шахсларнинг умуман олганда бутун бир иқтисодий тизимнинг фаолиятини бир маромда тўхтовсиз ва самарали юритиш учун уларнинг иқтисодий-ташкилий ва ҳукукий шароитларини таъминловчи институтлар

⁵ Муродов Ч. Ўзбекистон иқтисодий эркинлаштириш шароитида бозор инфратузилмасининг ривожланиши (Аграр сектор мисолида). И.ф.д. илмий даражасини олиш учун диссертация. 12-13 бетлар. Тошкент 2001.

⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент. “Ўзбекистон”. 1995 йил, 240-бет.

бўлиши шарт. Бу инфратузилма объектлари бўлиб иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлайдиган муҳим бўғин ҳисобланади.

Бугунги кунда инфратузилма жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий, номоддий жараёнларини қамраб олган бўлиб, турли хил хизматлар (молиявий, ҳуқуқий, техник, бозор, ахборот, институционал, экологик ва бошқа) кўрсатиш фаолиятини ўз ичига олади ва ишлаб чиқаришнинг пировард натижасига ўз таъсирини кўрсатади.


Инфратузилма мажмуаси иқтисодий муносабатлар тизимида бажарадиган вазифалари мақсадли ва фаолият йўналишлари нуқтаи- назаридан бир қанча таркибий қисмларга бўлинади ва у яхлитликда инфратузилма мажмуасини ташкил этади.

Инфратузилма мажмуаси – моддий неъматлар ишлаб чиқариш жараёнида бевосита (ишлаб чиқариш инфратузилмаси) ёки билвосита (ижтимоий, бозор, институтсионал, шахсий инфратузилмалар) қатнашиб ишлаб чиқаришнинг умумий шароитини ва кишилар ҳаёт фаолиятини таъминлашга хизмат қилувчи хўжалик тармоқлари ва муассасалари мажмуидан иборат.

Инфратузилма мажмуасига кирувчи соҳалар ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнига турлича таъсир этади ва ўзига ҳос ўринни эгаллайди. Шу жиҳатдан инфратузилма соҳаларини уларнинг фаолият йўналиши бўйича таснифлашни тақозо этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, иқтисодиётни модернизациялашда иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилма мажмуасининг таркибий тузилишини қуйидагича белгилаш мақсадга мувофиқ (1.1.1-чизма).

1.1.1-чизма. Инфратузилма мажмуасининг таркибий тузилиши



Ижтимоий маиший инфратузилма бевосита кишиларнинг ижтимоий, маънавий, илмий ва бошқа шунга ўхшаш йўналишлардаги фаолиятлари ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини таъминлашни ривожлантиришга хизмат кўрсатувчи тармоқ ва субъектлар мажмуидан иборат бўлган бўғиндир. Яъни, ижтимоий маиший инфратузилмага аҳолини турмуш тарзига бевосита боғлиқ бўлган соғлиқни сақлаш муассасалари, фан ва маориф соҳалари, маданий ва маиший хизматлар, жисмоний тарбия ва спорт, аҳоли фойдаланишдаги алоқа ва транспорт, умумий овқатланиш хизматларини кўрсатиш, иш билан таъминлаш ва кўмаклашиш бўлинмалари киради.

Бозор инфратузилмасига бозор иқтисодиётини қарор топиши ва бозор муносабатларини ривожланиши учун хизмат кўрсатувчи тармоқлар яъни, савдо-сотик корхоналари, биржалар, аукционлар, ташқи савдо фирмалари, барча турдаги банклар, инвестицион компаниялар, аудиторлик компаниялари, ахборот-маслаҳат марказлари, суғурта компаниялари киради.

Институционал инфратузилма бевосита хўжалик юритиш фаолиятини ташкил этиш, бошқаришни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган давлат ҳамда ҳуқуқий

жисмоний шахсларнинг ташкилий жиҳатларини ўз ичига олади. Институтционал инфратузилмага бошқарув хизмати, ҳукумат муассасалари (вазирлик ва идоралар), давлат хавфсизлик ва ҳарбий қисмлари, фавқулодда вазиятлар ва ички ишлар бўлимлари, ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасалари ва бошқалар киради.

Экологик инфратузилма бевосита табиатни, атроф муҳитни атмосферани зарарланишини ва ифлосланишини олдини олиш, фан-техника тараққиёти натижасида содир бўладиган салбий жараёнларга чек қўйиш асосида табиатни чекланган заҳиралардан самарали фойдаланиш бўйича алоҳида ҳудуд, мамлакат, халқаро миқёсда ўзаро ҳамкорликда фаолият юргизувчи муассасалар, лабораториялар ва ижтимоий ташкилотларни ўз ичига олади.

Шахсий инфратузилма ўзининг моҳиятига кўра, иқтисодийда фаолият юритаётган товар хўжалигининг самарали воситаси бўлган кишиларнинг маънавий, ақлий, тадбиркорлик, касбий ва бошқа фаолиятларни ташкил этувчи “инсон капитали” ҳисобланиб меҳнат тақсимоотида умумхўжалик фаолиятига интеграциялашувини ошишини таъминловчи ва ишларни ҳисобга олган ҳолдаги сони ва сифати, тайёргарлик даражасини қамраб олади.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси моддий истеъмол буюмлари, маҳсулотлари ва хизматлари яратувчи тармоқ ва корхоналарга тайёрлаш, сақлаш ва жойлаштириш, ташиш, таъминот ва таъмирлаш ҳамда бошқа хизматлар кўрсатувчи ва уларнинг узулуксиз фаолият юритишини таъминловчи ташкилот ва корхоналар мажмуасини ташкил этади. Ишлаб чиқариш инфратузилмасига техник ва транспорт хизматининг барча турлари алоқа хизмати, электр таъминоти, моддий-техника таъминоти, уруғлик билан таъминлаш, техник таъминлаш хизмати, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган объектлар, қурилиш хизмати, агрокимё хизмати, мелиорация хизмати, ветеринария ва наслчилик хизмати, омборхона хўжалиги ва бошқалар киради.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишни, ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларисиз амалга ошириб бўлмайди. Жумладан, техник хизмат кўрсатиш корхоналари, электр қувватини узатиш тармоқлари ёки йўл хўжалиги шаҳобчаларининг ишлаб чиқариш объектларига қулай жойлашуви ҳамда бу инфратузилмалар билан тўлиқ таъминланганлиги улар хизматидан фойдаланаётган субъектлар учун қулай ва мақбул шароит яратиб беради.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланиши қишлоқ хўжалиги самарадорлигини белгилайди. Унинг объектлари қурилишига етарли даражада эътибор бермаслик кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари йўқотилишига олиб келади. Шу билан бирга ишлаб чиқариш инфратузилмаси ижтимоий, иқтисодий масалаларни ҳал қилишда, аҳолини иш билан таъминлаш ва уларни даромадларини ошириш орқали кишиларнинг турмуш фаровонлигини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга. Хулоса қилганда ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ишлаб чиқариш жараёнларини жадаллаштириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ва самарадорлигини ошириш ва ижтимоий масалаларини ҳал қилишнинг муҳим шартларидан бўлиб ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасига иқтисодий категория сифатида иқтисодчи олимлар томонидан турлича таърифлар берилган. Бир гуруҳ олимлар томонидан ишлаб чиқариш инфратузилмасини ёрдамчи тармоқларнинг асосий ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатувчи фаолият турлари мажмуаси деб таърифланса, иккинчи гуруҳ олимлари моддий бойлик ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг самарали ишлашини таъминлайдиган ҳамда инженер техника иншоотларини қамраб олади деб таърифлайди.

Мамлакатимиз аграр мамлакат ҳисобланганлиги учун ушбу тармоқда инфратузилманинг жадал ривожланганлигини куришимиз мумкин. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат кўрсатувчи инфратузилма корхоналари бевосита чорвачилик ёки ўсимликчилик тармоғида хизмат кўрсатувчи ҳамда билвосита ҳар иккала тармоққа ҳам хизмат кўрсатувчи гуруҳларга ажратилган.

1-гуруҳ: Бевосита ўсимликчилик тармоғига хизмат қилувчи ишлаб чиқариш инфратузилма субъектлари. Бунга,

- техникавий хизмат;
- агрокимё хизмати;
- мелиорация-ирригация ва суғориш суви билан таъминлаш хизматини киритиш мумкин.

2-гуруҳ: Бевосита чорвачилик тармоғига хизмат кўрсатувчи инфратузилма субъектлари. Бунга;

- зооветеринария хизмати;
- зотдор чорва моллари билан таъминлаш ва наслчилик хизмати;
- чорвачилик техник хизматини киритиш мумкин.

3-гуруҳ: Билвосита ҳар иккала тармоққа ҳам хизмат қилувчи инфратузилма субъектлари. Буларга,

- қурилиш хизмати;
- консалтинг хизмати;
- транспорт хизмати;
- моддий-техника таъминоти;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саралаш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва сақлаб бериш хизмати;
- йўл хўжалиги;
- аудит хизмати;
- электр таъминоти
- алоқа хизмати
- илмий ва ахборот таъминоти ҳамда бошқа хизматларни киритиш мумкин;

4-гуруҳ: Бевосита ва билвосита ҳам ўсимликчилик ҳам чорвачилик тармоқларига хизмат қилувчи турли мулкчилик шаклидаги (шу жумладан, нодавлат мулк шаклидаги) комплекс хизмат кўрсатувчи инфратузилма субъектлари киритилади. Бу турдаги хизмат кўрсатиш корхоналари юқорида қайд этилган ҳар уч гуруҳга кирувчи сервис хизматларини ўзида мужассамлаштирган ҳолда хизмат кўрсатиши кўзда тутилган. Бу турдаги корхоналар жойларда (маъмурий ҳудуд ёки туман миқёсида) хусусий юридик ёки жисмоний шахс(лар) томонидан тузилиб, устав капитали корхона эгаси (лари), яъни таъсисчи(лари) маблағлари ҳисобига шаклланади.

1.1.2-чизма. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш инфратузилмаларини синфлаштириш.



Корхонанинг жорий харажатлари ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун маблағ истеъмолчиларга кўрсатилган хизматлар эвазига келиб тушган пул ҳисобига амалга оширилади. Албатта бундай кўп профилли корхонани тузиш учун кўп миқдорда капитал маблағ талаб этилади. Шу боис ушбу тузилмаларни имтиёзли давлат кредитлари билан таъмин этиш муҳим аҳамият касб этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида кўп тармоқли қишлоқ хўжалигини юритишнинг вужудга келиши шароитида бундай турдаги кўп профилли сервис хизмати кўрсатувчи инфратузилма субъектларини тузилиши сервис хизматлари кўрсатиш тизимида рақобат муҳитини яратиш, хизматлар сифатини яхшилаш ва баҳосини арзонлаштириш, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларни ҳар хил турдаги ишларни бажариш билан боғлиқ бўлган мушкулени енгиллаштириш, уларга танлаш имконини беради.

1.2. Иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантиришнинг объектив зарурияти ва аҳамияти

Бугунги кунда иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини инфратузилмасини ташкил этиш жараёнларига ислохотларнинг устувор йўналиши сифатида ҳукумат томонидан катта эътибор берилмоқда ва махсус ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилмоқда. Шунингдек, уларни ташкил этишга давлат томонидан молиявий маблағлар ажратилмоқда. Бу эса ҳукумат қарорларини бажарилишини ва маблағларнинг сарфланишини ҳамда инфратузилма объектларини ташкил этиш ва ривожлантириш жараёнларини давлат назоратга олиши ва тартибга солиб туриш заруратини келтириб чиқаради. Шу билан бирга йирик давлат назорати остида фаолият юритувчи монополистик магистрал

характердаги инфратузилма объектлари корхоналари ҳам мавжуддир. Бугунги кунда моддий-техника таъминоти, агрокимё хизмати кўрсатувчи корхоналар, электр энергия билан таъминловчи объектлар давлат назорати остида фаолият юритмоқда.

Инфратузилма мажмуига кирувчи соҳалар иқтисодий жараёнларга турлича таъсир кўрсатади ва ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнида ўзига хос ўрин эгаллайди. Шу нуқтаи назардан ҳам инфратузилма тармоқларини уларнинг муҳим белгилари жиҳатидан таснифлаш унинг алоҳида унсурлари ва асосий йўналишларининг такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги ўрнини аниқлашга имконият яратиб беради. Инфратузилма мажмуасининг кенг қамровли хусусиятга эгаллиги, бевосита уни ягона мезон бўйича таснифлаш имконини бермайди.

Шунга кўра, илмий манбаларда бозор иқтисодиёти шароитида инфратузилманинг асосий йўналишлари сифатида ишлаб чиқариш, ижтимоий-маиший, институционал, шахсий, экологик, жаҳон ва бозор инфратузилмаси ажратиб кўрсатилади.

Инфратузилманинг бу кўринишларини бир-биридан ажратиш, фарқлаш ҳамда уларнинг асосий моҳиятини ифодаловчи илмий таърифлаш нафақат назарий, балки инфратузилма мажмуасининг иқтисодий муно-сабатлар тизимида тутган ўрнини асослашда муҳим амалий аҳамиятга эгадир.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибан моддий неъматлар ишлаб чиқарувчи тармоқ ва корхоналарга ишлаб чиқарилган маҳсулотларни истеъмолчига етказишга тайёрлаш, сақлаш, ўраш, қадоклаш ёки жойлаштириш, товар жойланадиган ёки ўраладиган идишлар билан таъминлаш, ташиш, таъмирлаш ҳамда сотиш каби хизматлар кўрсатувчи, уларнинг тўхтовсиз ва самарали фаолият юритишини таъминловчи ташкилот ва корхоналар мажмуини ташкил этади. Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унинг таркибига кирувчи тузилмалар ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашмайди, балки такрор ишлаб чиқаришнинг мунтазам ва бир маромда кечиши учун фақат билвосита асосда зарурий шарт-шароитлар яратиб беради. Шунингдек, мазкур инфратузилманинг фунционал хусусияти бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларида сарфланган меҳнат унумли ҳисобланади, у миллий даромаднинг қийматини кўпайтиради;
- инфратузилма тармоқларида маҳсулот янги моддий-ашёвий шаклда яратилади;
- инфратузилма тармоғи маҳсулотини захирада сақлаш ёки омборга олиш мумкин эмас, чунки у ташиш, сақлаш ва ахборотни узатиш шаклида намоён бўлади;
- ишлаб чиқариш инфратузилмасини ёрдамчи, ва айниқса, иккинчи даражали соҳа сифатида тавсифлаш мумкин эмас.

Ижтимоий-маиший инфратузилма бевосита кишиларнинг ижтимоий, маънавий, маданий, маърифий, илмий ва шу каби фаолият йўналишларидаги ҳаракатлари, муносабатлари, ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини таъминлаш, ривожлантиришга хизмат кўрсатувчи тармоқ ва субъектлар мажмуидан иборат бўлган иқтисодиётнинг алоҳида бир бўғинидир. Яъни, ижтимоий-маиший инфратузилма аҳолининг турмуш

тарзига бевосита боғлиқ бўлган уй-жой қурилиш, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия бериш, жисмоний тарбия ва спорт, маданий ва маиший, махсус алоқа ва транспорт, умумий овқатланиш хизматларини кўрсатиш ҳамда кишиларнинг ҳар томонлама ривожланишига таъсир этувчи бошқа соҳаларни ўз ичига олувчи, уларни боғловчи тизим сифатида ифодаланади.

Шунингдек, иқтисодий манбаларда ушбу соҳа "ноишлаб чиқариш соҳаси", "хизматлар соҳаси", "социал инфратузилма" ва шу каби номлар билан ҳам аталади. Шу туфайли ижтимоий-маиший инфратузилма соҳасига қарашларнинг бир хил эмаслиги моддий ишлаб чиқариш соҳаси ва хизматларни аниқ чегаралашда маълум қийинчилик туғдиради. Хизматлар ва маънавий неъматлар ишлаб чиқариш асосан ишлаб чиқариш соҳасининг бир қисмини ҳамда тақсимот ва истеъмол муносабатларини ўз ичига олади. Бу жараёнда жамият аъзоларининг ҳаёти ва фаолияти учун моддий, маданий-маиший ва ижтимоий шароитлар яратилади. Бу шароитлар эса жамиятда эришилган ишлаб чиқарувчи кучлар даражаси ва мавжуд ишлаб чиқариш муносабатларини ўзида акс эттиради. Ижтимоий-маиший инфратузилма аҳолининг ижтимоий ва шахсий ижтимоий-маиший эътиёжларини қондирувчи икки томонлама хизматларни ўзида мужассамлаштирган бўлиб, унинг тармоқларини ижтимоий ва маиший гуруҳларга бирлашишини тақозо этади.

Ижтимоий инфратузилма инсоннинг ижтимоий ва шахсий эътиёжларини қондирувчи ижтимоий ва маънавий неъматлар ишлаб чиқаришнинг шарти бўлиб майдонга чиқади. Бунга халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ва саноат, жисмоний тарбия ва спорт киради. Маиший инфратузилма эса аҳолининг ҳаёти ва фаолияти учун уй-жой, маиший шароит яратади. Бу соҳага асосан савдо, умумий овқатланиш, йўловчи ташувчи транспорт ва хизмат кўрсатувчи тармоқлар киради. Инфратузилманинг бу қисми ижтимоий инфратузилмадан кўра кўпроқ моддий ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади. Ижтимоий-маиший инфратузилма қандайдир асосий тузилма учун ёрдамчи ва узатувчи хизмат кўрсатувчи механизм ҳисобланмайди. Чунки, ижтимоий хизмат кўрсатиш объекти - аҳоли - ноишлаб чиқариш соҳаси билан ишлаб чиқариш, иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатувчи инфратузилма муносабатлари билан умумий алоқаси бўлмаган муносабатда бўлади.

Ижтимоий-маиший инфратузилманинг асосий функциялари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- ёш авлодни тарбиялаш, таълим бериш, қайта малакасини ошириш (маориф, таълим);
- иш вақти давомида меҳнат унумдорлиги пасайишининг олдини олиш (умумий оvyатланиш, йўловчи транспорти);
- меҳнатга лаёқатлилиқ даврининг давомийлигини узайтириш;
- ходимнинг дам олиш шарт-шароитларни яратиш, уларнинг маданий савиясини ошириш (тураржой хўжалиги, маданият, саноат).

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маиший инфратузилманинг ўхшаш томони ҳам мавжуд: ҳар иккала соҳада ҳам товар қийматининг ўзгариши хизмат кўрсатиш орқали амалга оширилади.

Институционал инфратузилма эса бевосита ижтимоий хўжалик юритиш фаолиятини ташкил этиш, бошқаришни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган

ҳуқуқий ва жисмоний шахслар ҳамда давлат муассасаларини ўз ичига олади. Институционал инфратузилманинг фарқлантирувчи хусусияти асосан унинг мустақил тармоқ ёки тармоқнинг ички тузилиши тарзида намоён бўлмай, балки уларга тизим ости бошқарувчи ролида хизмат кўрсатиши орқали ифодаланади. Ижтимоий ишлаб чиқариш тизимида бажарадиган бошқарувчилик вазифаларига кўра жамият ҳудуд, тармоқ, ишлаб чиқариш ва бошқа шу каби даражалардаги институционал инфратузилмалар фарқланади. Ушбу инфратузилма турли-туман ва бир-бирига мустаҳкам боғлиқ бўлган элементларнинг мураккаб тизимини ташкил этади. Унинг бир қисми такрор ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришда бевосита иштирок этади, яъни ижтимоий ишлаб чиқаришни бошқариш субъекти ҳисобланади, бошқа қисми эса муомала соҳасига хизмат кўрсатади. Р.Иохимсен институционал инфратузилмага берган таърифига кўра, "институционал инфратузилма - бу мавжуд эркинликни таъминловчи, мулк муносабатлари, мерос қолдириш, ишга ёллаш ва бошқаларга оид муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ тартиботидир. Ушбу ҳуқуқ-тартибот давлат тузилишининг сиёсий, субъектларининг иқтисодий манфаатлари, этник, диний, ирқий ва касбий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қонуний мустаҳкамланган бўлмоғи керак"⁷. Институционал инфратузилманинг вазифаси маълум ҳўжалик тизимида фаолият юритаётган субъектларга "яхши ва қулай имкониятлар" да, уларнинг натижалари тенг самаралар берадиган ички ҳуқуқ-тартибот асосларини ишлаб чиқишдир.

Экологик инфратузилма бевосита табиатни, атроф-муҳитни, атмосфера ифлосланишининг олдини олиш, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, инсоннинг табиатга ўтказадиган салбий таъсирини камайтиришга қаратилган давлат муассасалари, маҳаллий ҳокимият, муҳандислик иншоотлари, лабораториялар ва экология билан боғлиқ бўлган давлат, халқаро ва ижтимоий ташкилотларни ўз ичига олади. Экологик инфратузилма қишлоқ жамоасининг индустриал ривожланиши натижасида вужудга келган. Ушбу инфратузилма бевосита фан-техника тараққиёти натижасида содир бўлган салбий жараёнларга чек қўйиш асосида табиатнинг чекланган захираларидан самарали фойдаланиш борасида нафақат алоҳида ҳудуд, мамлакат, балки халқаро миқёсда ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишни ўз ичига олади.

Инфратузилма мажмуида **«шахсий инфратузилма»** ҳам муҳим рол ўйнайди. У ўзининг моҳиятига кўра хориж иқтисодиётида қўлланилган товар ҳўжалигининг самарали фаолият юритиш воситаси бўлган "социал умумий капитал" ёки жамиятда кишиларнинг маънавий (аълий), тadbиркорлик, касбий ва бошқа фаолиятларини ташкил этувчи "инсон капитали" ҳисобланади. Шунинг учун ҳам шахсий инфратузилма меҳнат тақсимланган товар ҳўжалигида иштирокчиларнинг, уларнинг умумҳўжалик фаолиятига интеграциялашувининг ошишини таъминловчи ва ишларини ҳисобга олган ҳолдаги сони ва сифати (тайёргарлик даражаси)ни қамраб олади.

Телекоммуникацион инфратузилма - компаниянинг телекоммуникацион инфратузилмаси - бу турли ахборотларни: автоматлашган бошқарув тизимлари

⁷ Федыко В.П., Федыко.Н.Г. Инфраструктура товарного рынка. Ростов н/Д: Феникс, 2000, 32-б

маълумотлари, электрон хабарлар, интернет-графика, турли файллар ҳамда «овоз» ва видео кўринишидаги ахборотларни узалиш вазифасини ҳал қилувчи ўзаро алоқадор тизимчалар мажмуасидир.

Инфратузилма мажмуаси ижтимоий ишлаб чиқаришнинг таркибий қисми бўлиб, бевосита ўзининг умумиқтисодий вазифаси миқёсида ишлаб чиқаришга хизмат қилади ва унинг умумий шарти тарзида намоён бўлади. Пировард натижада эса, ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатларнинг амалга ошишида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, муомала жараёнини тезлаштириш, енгиллаштириш ва бевосита истеъмолни қондириш ва ниҳоят, такрор ишлаб чиқариш босқичларининг узлуксизлигини таъминлайди.

Товарлар, ишчи кучи, молиявий воситаларнинг миллий чегаралар орқали тўхтовсиз ўсиб боровчи ҳаракати бутун жаҳон инфратузилмасининг ривожланиши ва такомиллашувини тезлаштиради. Жуда муҳим транспорт тизими (денгиз, дарё, ҳаво, темир йўл транспорти) билан бир қаторда жаҳон иқтисодиётининг ривожланишида ахборот коммуникациялари тармоғи тобора кўпроқ аҳамият касб этиб боради. Муносиб умумжаҳон инфратузилмаси бўлмаса, ҳозирги ишлаб чиқарувчи кучларнинг байналмилаллашувини ривожлантириб бўлмайди. Бундай инфратузилманинг айрим таркибий қисмлари жаҳон савдоси вужудга келаётган, жаҳон бозори ташкил топаётган вақтда пайдо бўлган⁸.

Республикамизда кичик тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолият юритиши ва ривожланиб бориши кўп жиҳатдан улар учун яратилган шарт-шароитларга боғлиқ. Кичик тадбиркорлик ривожига қулай имкониятлар яратадиган шарт-шароитлар орасида инфратузилма хизматини алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим.

Кичик тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқариш кенгайиб бориши билан уларнинг техник таъмирлаш, моддий-техника таъминоти, маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш, коммуникация ва алоқа, маслаҳат ва ахборот каби бир қатор хизмат турларига бўлган талаби ортиб бораверади. Чунки кичик тадбиркорлик субъектларига юридик шахс мақомини бериш билангина иш битмайди. Уларнинг тўлақонли фаолиятини фақат мукамал ташкил этилган инфратузилма бўлинмалари орқалигина тасаввур қилиш мумкин.

Инфратузилма иқтисодий тизимнинг бир бўлагини ташкил қилиб, у ишлаб чиқаришнинг бир маромда фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

“Инфратузилма” сўзи лотин тилидан (infrastructure) таржима қилинганда “тузилмадан ташқарида” маъносини англатади. Иқтисодий нуқтаи назардан инфратузилма моҳиятига қуйидаги изоҳ кўпроқ мос келади: “инсон ҳаёти ва ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида фаолиятлар алмашинуви таъминловчи товарлар ва хизматлар яратишда ўзига хос меҳнат жараёнлари мажмуаси”.

Кейинги йилларда инфратузилма юксак суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Буни бир қатор омиллар билан изоҳлаш мумкин. Хусусан, ишлаб

⁸ Шодмонов.Ш.Ш., Алимов.Р.Х., ЖўраевТ.Т. Иқтисодиёт назарияси 380-б

чиқаришнинг ўсиш суръатлари инфратузилмалар ривожидан олдинда бормоқда ва бу иқтисодиётнинг ривожланишига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

Инфратузилма жуда кенг қармовли тушунча бўлиб, бу энг аввало ишлаб чиқариш жараёнига ҳар тарафлама хизмат кўрсатадиган хизмат тураларини яратиш билан боғлиқ.

Инфратузилма бўлинмалари ривожланиб боришидан кичик тадбиркорлик субъектлари катта манфаат кўради, негаки бундай бўлинмалар уларни ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ишлардан озод этиб, куч-ғайратини асосий фаолиятига қаратишга имкон яратади.

Инфратузилма томонидан яратиладиган шароитларни ўз навбатида қуйидагича туркумлаш мумкин:

- Бевосита ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатувчи – моддий техника таъминоти ва тайёр маҳсулотни сотиш, ахборотни йиғиш ва қайта ишлаш, бухгалтерия хизмати. Технологик, бошқарув масалалари бўйича маслаҳат хизмати ва боқшалар;

- Ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш шарт-шароитлари – ишчи ва хизматчиларнинг соғлиғини, таълим олиши ва касбий тайёргарлигини, дам олишларини қўллаб-қувватлаш.

Шу пайтга қадар инфратузилмани ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмалар йиғиндисидан иборат деб қараб келинган. Бозор иқтисодиётига асосланган иқтисодий тизим кириб келиши билан ишлаб чиқариш инфратузилмаси кўлами кенгайиб, “бозор инфратузилмаси” ва “институционал инфратузилма” сўзлари истёъмолга кириб бормоқда.

Бозор инфратузилмаси бевосита ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатувчи тармоқларни ўз ичига олади. Унинг таркибига юк транспорти, электр, газ ва сув таъминоти, омбор хўжалиги, алоқа, ахборот, моддий-техника таъминоти, маҳсулотни ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш, техник хизмат кўрсатиш, маркетинг ва реклама, ахборот-маслаҳат, аудиторлик, молия-кредит ва инвестицион каби хизмат турлари киради.

Ижтимоий инфратузилма ишлаб чиқариш жараёнида ишчи ва хизматчиларга нормал меҳнат фаолияти яратиш ва ишчи кучини такрор ҳосил қилиш, шунингдек, тадбиркорларнинг турли маиший хизмат турларига бўлган талабини қондириш учун хизмат қилади.

Институционал инфратузилма иқтисодиёт ривожланишининг оптимал макроиқтисодий нисбатларини қўллаб-қувватловчи ва тартибга солувчи соҳалар фаолият турларини ўз ичига олади. Унга иқтисодиётни тартибга солиб турувчи давлат ва нодавлат бошқарув органлари ва боқалар киради.


Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларини тартибга солиб ва қўллаб-қувватловчи бозор инфратузилмаларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг юқори даражада ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳам тасдиқлайди. Масалан, АҚШда 1953 йили кичик ва ўрта бизнес ишлари бўйича Администрация (КБА) ташкил этилган бўлиб, унинг зиммасига кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича барча вазифалар (молиявий ёрдам, техник ва маслаҳат хизмати, давлат буюртмаларини олишга кўмаклашиш ва бошқалар) юклатилган.

КБА таркиби уч босқичдан – АҚШ пойтахтидаги штаб-квартира, 10 та ҳудудий бошқарма ва 100 дан ортиқ маҳаллий бўлинмадан иборат. Улар бутун мамлакат бўйлаб кенг тарқалган тармоққа эга бўлиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, коллежлар, университетлар, корхоналар ва жамоат ташкилотлари билан яқин алоқада фаолият кўрсатади. АҚШда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш билан бошқа идоралар, хусусан, Ички ишлар вазирлиги, Уй-жой қурилиши ва шаҳарлар ривожланиши вазирлиги, миллий илм фонди, фермерлик бўйича Администрация, кичик бизнесни ривожлантириш марказлари ва институтлари, савдо-саноат палатаси каби 2700 дан ортиқ федерал идора шуғулланади.

Кейинги йилларда республикамызда бозорда инфратузилмаларини фаол шакллантириш жараёни бошланди. Бу жараённинг натижалари сифатида кичик тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи брокерлик идоралари, кичик улгуржи ва чакана савдо тузилмалари, лизинг, консалтинг компаниялари, ахборот-маслаҳат марказлари, инжиниринг, аудиторлик фирмалари, суғурта компаниялари, транспорт-экспедиция корхоналари, ахборот-реклама бюrolари ва бошқа турли хил инфратузилмалар тизими фаолият кўрсатади.

Энди биз қуйидаги жадвал ёрдамида ижтимоий инфратузилмани кўриб чиқамиз

1.2.1-жадвал



Республикамизда ҳам таълим тизимини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асослари “Таълим тўғрисида”ги қонун илан қаул қилинади. Маориф шакллари молиялаштиришнинг нуқтаи назаридан иккита катта ўлимга бўлинади.

Халқ таълими, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, мактабдан ташқари таълим ва халқ таълими инфратузилмасини ўз ичига олади.

Кадрлар тайёрлаш тизими – ўрта махсус касб – ҳунар таълими, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда кадрлар тайрлаш тизими инфратузилмасини ўз ичига олади. Маориф ҳаражатларининг энг муҳим бўғинлари бўйича маблағларни такомиллаштириш тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиб чиқдик, бунда асосий ҳаражатлар маориф ҳаражатларига йўналтирилган.

Соғлиқни сақлаш ҳозирги кунда жуда муҳим тиббий хизматларни таклиф этмоқда. Улар якка тартибаги истеъмол ва жамият фаровонлигини товарлар зарарларини ўзида йиғма ҳолда акс эттиради. Тармоқнинг бундай хусусияти уни молиялаштириш манбаларини белгилашда ҳисобга олиниши лозим. Якка тартибдаги хусусий ёки муассаса тамонидан алоҳида шаклларда кўрсатилган ижтимоий – маданий хизмат бутунлай ёки бирор корхоналар тамонидан таъминланмоғи лозим.

Ушбу масалани ҳал этиш давлатнинг молиявий имкониятига боғлиқ бўлади, молиявий қуввати бақувват давлат жамоат фарофонлиги турларини кўпайтириб боради ва уларга бўлган эҳтиёжларини тўла қондиради.

Ижтимоий инфратузилма таркибида ижтимоий хизматлар ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Маиший хизмат турлари борки, улар жамият доимо эҳтиёж сезиб туради, бироқ ушбу турларни ишлаб чиқариш нодавлат сектор учун уларни истеъмол қилувчилар орасида даромади юқори бўлганлар озчиликни ташкил этади, аксарият ҳолда бундай хизматлар асосан қимматбаҳо бўлади.

Ижтимоий инфратузилма таркибида ижтимоий таъминот ҳам етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Буларни таркибига қуйидагилар киради:

1. Болали оилаларга нафақалар:

- ҳомилададорлик ва туғруқ бўйича нафақа;
- бола туғилган данда бир маротаба бериладиган нафақа.

2. Ижтимоий нафақа:

- туғма ногиронлар ва бошқа тоифадаги ногиронларга;
- иш стажи йўқ қарияларга;
- боқувчисини йўқотган оилаларга.

3. Ижтимоий таъминот муассасаларини сақлаш:

- қариялар ва ногиронлар уйлари;
- касалманд болалар учун интернатлар.

4. Турли имтиёзлар:

- бепул ва арзонлаштирилган нархда транспорт воситалари ва ногиронлик аравачаларини бериш;
- санатория – курорт йўлланмалари билан протезлаш;
- солиққа доир имтиёзлар.

5. Кам таъминланганлик бўйича нафақалар:

- ижтимоий ёрдам дастурларини молиялаштиришнинг асосий манбаи давлат бюджети ҳисобланади.

Ижтимоий суғурта – вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотганлиги сабабли пенсияга чиқиш муносабати билан ишсизлиги туфайли аҳолининг йўқолган иш ҳақини маълум қисмини қоплашдир.

Бизнинг мамлакатимизда олиб борилаётган бозор қайта қуришлари текширувларни ташкил этиш ва амалга ошириш мазмунини тубдан ўзгартиришни талаб қилади ва молиявий назорат олдига принципал жиҳатдан янги вазифаларни қўяди. Бу вазифалар шу билан белгиланадики, «бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш бозорнинг тармоқланган инфратузилмасини ташкил этишни талаб қилади»⁹, уларсиз «бозор механизмлари тўлиқ даражада ишлай олмайди». Бундай инфратузилмалар қаторига банк-кредит ва солиқ тизимлари, қимматли қоғозлар ва фонд биржаси, суғурта ва аудиторлик хизматлари ва ҳ.к. киради.


Бугунги кунда мамлакатимизда кечаётган иқтисодий ислохотлар самараси, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёни, кўп ҳолларда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш билан узвий боғланиб бормоқда. Республикамизда бу соҳани жадал ривожлантириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитларни яратиб берувчи бозор инфратузилмасини қарор топтириш эса, бу борадаги асосий йўналишлардан бирига айланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда бозор инфратузилмаси, яъни инфратузилма муассасалари кичик бизнес субъектларининг товар ва хизматлар бозори, молия бозори, пул бозори, меҳнат бозори, суғурта бозори, шунингдек банк тизими, нобанк молиявий институтлар тизими, улгуржи воситачилик тузилмалари, консалтинг ва аудиторлик хизматлари бозори ва бошқа бир қатор муассасалар билан бўладиган ўзаро алоқаларни – муносабатларни таъминлайди.

Инфратузилма – хизмат кўрсатиш соҳалари мажмуаси бўлиб, таркибан ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмаларини ўз ичига қамраб олади. Буни эса қуйидаги расм орқали яққол кўришимиз мумкин (1-расмга қаранг).

Бозор инфратузилмаси яратилар экан, у ҳамиша ривожланиш ва мураккаблашиб бориш билан ҳаёт бўлиб туради ҳамда шунинг воситасида ўзининг аҳамияти ва зарурлигини билдириб туради.

Шу ўринда бозор инфратузилмаси ҳамда кичик бизнес инфратузилмасини фарқлашимиз лозим. Бозор инфратузилмаси деганда, бозор иқтисодиёти учун хизмат кўрсатувчи ҳар хил соҳалар тушунилади ва улар жумласига тижорат банклари, аукционлар, савдо уйлари, ташқи савдо фирмалари, давлатнинг ташқи савдо маҳкамалари, божхоналар, солиқ идоралари, тижорат ва соҳибкорлик идоралари, савдо-сотик уюшмалари, воситачи фирмалар, бирлашма ва корпорациялар, суғурта ташкилотлари, аудиторлик фирмалари, консалтинг фирмалари, лизинг компаниялари ва бошқа давлат ва нодавлат, тижорат ва нотижорат ташкилотлари киради.

⁹ И.А.Каримов Ўзбекистон - ўз янгиланиш ва тараққиёт йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1992. 52-б.



Бундан кўриниб турибдики, бозор инфратузилмаси умумий иқтисодий фаолият билан боғлиқ барча жабҳаларни қамраб олади. Фикримизча, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бозор иқтисодиётининг таркибий қисмларидан бири сифатида Ушбу инфратузилма объектларининг умумий фойдаланувчиси ҳисобланса-да, шу билан бир қаторда ўзининг ташкил топиш, амал қилиш ва ривожланиш хусусиятларидан келиб чиқувчи махсус инфратузилма объектларига ҳам боғлиқлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Чунки бозор инфратузилмасининг юқорида санаб ўтилган унсурлари билан бизнес-мактаб, бизнес-инкубатор, суғурталаш ва молиялаш муассасаларининг мазкур соҳага таъсири бир хил даражада бўлмайди¹⁰.

Минтақавий инфратузилма тармоқлар ва фаолият турларининг бир бутун тизими бўлиб, унинг вазифаси шу Минтақа ҳудудида кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришдир. Қоидага кўра, инфратузилманинг ўзи даромад келтирмайди. Унинг ташкил этилиши ва самарали фаолият кўрсатиши давлат маблағи ва фондлар ёки маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Инфратузилманинг таркиби доимий бир хил бўлмайди. У Минтақанинг ўзига хос хусусиятларига асосланади. Минтақанинг ихтисослашуви ва жойлашувига боғлиқ бўлади. Инфратузилманинг таркибида: молиявий муассасалар, банклар, маслаҳат марказлари, реклама, ҳуқуқий хизматлар, транспорт воситалари ва йўллар хизмати, сув, газ ва электр билан таъминлаш, тозалаш иншоотлари хизматлари, алоқа хизмати бошқа хизматларга қараганда кўпроқ учрайди.

Бу эса кичик бизнес инфратузилмасида зарурий турли хил хизмат кўрсатиш объектларини яратиш ва уларнинг етарли таъминланганлик даражасини оширишга эришиш талабини орттирадики, пировардида, улар, албатта, кичик бизнес соҳасининг ривожланиш даражасининг юқори бўлишига имкон яратади.

Шунга кўра, ҳар бир минтақа ўз иқтисодий ҳолатига асосланиб, кичик бизнес ва тадбиркорликни ҳам ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва бунинг учун мавжуд имкониятлари, салоҳияти ва ресурсларидан самарали фойдаланишга интилади. Бунда минтақа миқёсида кичик бизнес фаолиятини ривожлантиришнинг барча зарурий асосларини мустаҳкамлаш, жумладан, инфратузилмавий ҳолатни яхшилаш, унинг фаолият юритиш самарадорлигини ошириш, инфратузилманинг хизмат кўрсатиш объектлари билан тўлиқ таъминланишига, кичик бизнес субъектларининг уларга нисбатан ишончини, қизиқишини орттириш, мавжуд инфратузилма объектларининг мижозлар билан ишлаш йўналишларини такомиллаштириш каби бугунги кунда ҳал этилиши лозим бўлган муҳим вазифалар борки, уларнинг том маҳнодаги ечимига ққл урмай туриб, кичик бизнеснинг яқин келажакдаги ва умуман, истикболдаги юксак тарққиёт чқққиларини эгаллашларига эришиб бўлмайди.

1-чизма

¹⁰ А.Жўраев, Б.Маматов «Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда бозор инфратузилмаси ўрни». // «Бозор, пул ва кредит» журналы, 2003 йил, 4-сон, 44-45-бетлар.

Бозор иқтисодиётининг асосий иштирокчилари ва уларнинг вазифалари

Давлат	Фирмалар	Молиявий институтлар	Хизмат кўрсатувчи субъектлар
Иқтисодиётни тартиблаштириш	Ишлаб чиқариш омиллари ва хизматларни сотиб олади	Аҳолига молия-кредит хизмат турларини кўрсатади	Аҳолига ва иқтисодиёт тармоқларига турли хизмат кўрсатади
Иқтисодий фаолият коидаларини белгилайди ва шароитларни яратади			
Солиқ ва бошқа усуллар билан даромадни қайта тақсимлашга қатнашади. Бозор иштирокчиси сифатида иқтисодий фаолият кўрсатади	Товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарали ҳамда уларни сотади	Хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлайди ва молиявий кўмак беради	Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланади

II боб. Қашқадарё вилоятида иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмаси ривожланишининг ҳозирги ҳолати

2.1. Вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий тавсифи, географик жойлашуви ва инфратузилма ҳолатларининг таҳлили

Қашқадарё вилояти 1943 йилда ташкил топган бўлиб, унинг умумий ер майдони 28,6 кв.км.дир ёки 2856799 гани ташкил этади. Вилоятнинг умумий чегара узунлиги 893,89 км бўлиб, Тожикистон республикаси билан Шахрисабз тумани томонидан Шарқдан 18,5 км, Китоб тумани томонидан эса Шарқдан 41,47 км масофада чегарадош. Шунингдек, вилоят Туркменистон билан Жанубий-ғарб томонидан Дехқонобод тумани орқали 75,9 км, Ғузор тумани билан 22,2 км, Нишон тумани билан 75,74 км ва Миришкор тумани томонидан 79,48 км масофада чегарадошдир. Қўшни вилоятлар билан шимолдан 276 км масофада Самарқанд вилояти билан, жанубий шарқдан 193,8 кмда Сурхондарё вилояти билан, шимолий-ғарбдан 98,3 км масофада Бухоро вилояти билан ва шимолдан 12,5 кмда Навоий вилояти билан чегарадош.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 январдаги 37-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги тўғрисидаги НИЗОМи қабул қилинди. Иқтисодиёт вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигини қайта ташкил этиш тўғрисида” 2002 йил 24 декабрдаги ПФ-3183-сон Фармониға мувофиқ ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги тўғрисидаги НИЗОМига мувофиқ ташкил этилган. Иқтисодиёт вазирлигига Вазир раҳбарлик қилади. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги фаолиятиға раҳбарлик қилади ҳамда Вазирликка юкланган вазифаларнинг бажарилиши ва функцияларнинг амалга оширилиши учун шахсан жавоб беради. Иқтисодиёт вазирлигида 9 кишидан иборат Ҳайъати тузилган, унинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Ҳайъат ўзининг мунтазам ўтказиб туриладиган мажлисларида мамлакатни, тармоқларни ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим муаммоларини, прогнозлаш методологиясини ва уни ташкил этишни яхшилаш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларини кўриб чиқади.

Вазир ўринбосарлари Бош бошқарма бошлиқлари раҳбарлик қиладиган Бош бошқармалар, бошқармалар, бўлимлар, гуруҳлар Иқтисодиёт вазирлигининг асосий таркибий бўлинмалари ҳисобланади. Вилоятлардаги Иқтисодиёт бош бошқармалари Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 9 февралдаги 58-сон Қарори билан ташкил этилиб, уларнинг асосий вазифалари қуйидагилар белгиланди:

➤ Ҳудудни ривожлантириш ва демократик қайта ўзгартиришлар мақсади ва устуворликларидан келиб чиққан ҳолда ҳудуд иқтисодиётини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилишнинг, иқтисодиётни бошқаришнинг бозор методлари ва механизмларини жорий этишнинг пухта ўйланган стратегияси ишлаб чиқирилишини ташкил этиш;

➤ Асосий ҳудудий макроиқтисодий кўрсаткичларни, вилоятнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражасини комплекс равишда изчил таҳлил қилиш, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш, иқтисодиётдаги мавжуд номутаносибликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўллари асослаш;

➤ Иқтисодиётни ривожлантиришнинг кўп вариантли сценарийларини, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг туманлар, тармоқлар ва иқтисодиёт секторлари бўйича қисқа ва ўрта муддатли прогнозлари ва дастуцрларини ишлаб чиқиш;

➤ Бюджет-солиқ, пул-кредит, валюта ва монополияга қарши сиёсатнинг умумий йўналишлари, табиий монополиялар маҳсулотлари, товарлари ва хизматларига нархлар ва тарифларни тартибга солиш механизмини такомиллаштириш, тўлов, молия ва моддий балансларни шакллантириш ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш бўйича таклифлар тайёрлашда қатнашиш;

➤ Демографик прогнозларни, аҳолини аниқ тарзда ижтимоий муҳофаза қилиш, ички истеъмол бозорини тўлдириш, одамлар фаровонлигини ошириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш;

➤ Иқтисодиётни таркибий қайта ўзгартиришнинг ўрта муддатли прогнозларини, тармоқларни ривожлантириш, замонавийлаштириш ва технология билан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришларни маҳаллийлаштириш, илғор, ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий этиш дастурларини ишлаб чиқиш;

➤ Ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг мақбул суръатлари ва нисбатларини, минерал ва хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланишни, вилоят иқтисодиётини барқарор ривожлантиришни таъминловчи замонавий ишлаб чиқариш инфратузилмасини, телекоммуникациялар воситаларини ривожлантириш;

➤ Экспорт потенциалини ривожлантиришни рағбатлантириш, ташқи савдо ва тўлов балансларини мақбуллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти прогнозларини тайёрлаш, вилоятни жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялаш стратегиясини ишлаб чиқишга қатнашиш;

➤ Вилоят учун муҳим амамиятга молик бўлган инвестиция дастурларини амалга оширишга халқаро молия тузилмалари, хорижий молия ва суғурта ташкилотлари ҳамда донор мамлакатларни иштирок этишга фаол жалб этиш мақсадида улар билан ҳамкорлик ишларини мувофиқлаштириш.

Бошқарма бошлиқлари мақомига кўра бош бошқарма бошлиғига, бўлимлар бошлиқлари – бошқарма бошлиғига, гуруҳлар раҳбарлари эса – бошқарма бошлиғининг ўринбосарларига тенглаштирилади.

Иқтисодиёт вазирлигининг бошқарма, бўлим, гуруҳ бошлиқлари Вазир қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги тизими ташкилотлари ва муассасалари бошқарув аппарати ходимлари сони, шунингдек унинг марказий аппарати тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Вилоят Иқтисодиёт Бош бошқармасининг
ТУЗИЛМАСИ



**Қашқадарё вилоятининг 2012-2015 йиллардаги асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари
тўғрисида маълумот**

Кўрсаткич номи	Ўлчов	Ҳажми				2015 йилда 2012 йилга нисбатан ўзгариши	
	бирлиги	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	(+,-)	%
Саноат маҳсулотлари	млрд. сўм	5192,5	5405,4	5768,1	8277,9	3085,4	159,42
Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш	млрд. сўм	929,1	1049,9	1110,5	1115,1	186	120,02
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	млрд. сўм	2111,4	2618,4	3078,8	3553,4	1442	168,30
Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми	млрд. сўм	2841,6	3352,9	3944,4	5224,2	2382,6	183,85
шу жумладан чет эл инвестициялари	минг АҚШ долл.	311,1	362,2	366,2	371,4	60,3	119,38
шундан тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари	минг АҚШ долл.	98,1	119,7	155	166	67,9	169,22
Қурилиш-пудрат ишлари	млрд. сўм	984,9	1195,2	1619,8	2048,2	1063,3	207,96
Чакана товар айланмаси	млрд. сўм	2555,5	3353,3	4394,3	5036,1	2480,6	197,07
Жами хизматлар ҳажми	млрд. сўм	2495,2	3365	4525,1	4633,8	2138,6	185,71
Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш	млрд. сўм	719,6	1003,2	1286,9	1575,2	855,6	218,90
Ташқи савдо айланмаси	минг АҚШ долл.	750817,8	765440,8	637389,7	769,7	- 750048,1	0,10
Экспорт	минг АҚШ долл.	343359,9	335276,7	323384,8	295,9	-343064	0,09
Импорт	минг АҚШ долл.	407457,9	430164	314004,9	473,8	- 406984,1	0,12
Қўшма корхоналар сони	бирлик	54	59	54	54	0	100,00


Manba: Qashqadaryo viloyat Iqtisodiyot Bosh boshqarmasi ma'lumoti

**Қашқадарё вилоятининг 2015 йилдаги асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари
тўғрисида маълумот**



**Қашқадарё вилоятининг 2015 йилдаги ташқи савдо айланмаси
тўғрисида маълумот**

Ташқи савдо айланмаси (млн. сум)



2.2.Вилоят иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмаси объектларининг ривожланиш даражаси ва самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили

Республикамизда хизмат кўрсатиш иқтисодиётининг шаклланиши билан фаолият самарадорлигини баҳолаш масалалари тадқиқотига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда соҳа корхоналарида фаолият самарадорлигини оширишнинг усуллари ва йўналишларини илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Иқтисодий самарадорлик хўжалик юритувчилар фаолияти натижасини акс эттиради, ижтимоий самарадорлик эса иқтисодий субъектларнинг ижтимоий самарадорлигини, уни жамият ҳаётининг турли томонларига таъсирини акс эттиради. Бунда ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик муайян даражада ўзаро боғлиқдир.

Юқорида келтирилган таърифлар «Самарадорлик» моҳиятининг қуйидаги асосий жиҳатларини ифодалайди: биринчидан самарадорлик мураккаб ижтимоий-иқтисодий категория бўлиб, у бир ёки бир неча мезонлар асосида аниқланади. Иккинчидан, самарадорлик нисбий тушунча бўлиб, у ҳар доим муайян мақсадлар фаолиятига бўйсунди. Жаҳон тажрибасида самарадорликни баҳолашда иккита ёндашувдан – ресурс-харажат ва мақсадга йўналтирилган ёндашувлардан фойдаланилади.

Бизнинг фикримизча, юқорида келтирилган фикрлардан шундай хулоса қилишимиз мумкинки, самарадорликни баҳолашда мақсадга йўналтирилганлик ёндашуви ресурс-харажат ёндашувидан кескин фарқ қилади. Мақсадга йўналтирилган ёндашувдан фойдаланиш фаолият самарадорлигини баҳолаш имкониятини кенгайтиради. Унга асосан максимал унумдорлик – фаолият самарадорлигини ягона параметри бўлмасдан, самарадорлик ижтимоий, иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан таснифланади. Шу нуқтаи назардан самарадорлик кўрсаткичларидан фойдаланиш кўлами кенгаяди. Ресурс-харажат ёндашувидан фарқли равишда мазкур ёндашув нафақат тижорат асосида хўжалик юритувчи субъектлар самарадорлигини баҳоланиши, балки нотижорат субъектлар самарадорлигига ҳам баҳо бериш мумкин. Умуман юқорида таъкидланган ёндашувларни таққослама хусусияти қуйидаги жадвалда келтирилган (2.2.1-жадвал).

**Ресурс-харажат мақсадига йўналтирилган ёндашувлар доирасида
самарадорлик кўрсаткичларини таққослаш тавсифи¹¹**

Параметрлар	Ресурс-харажат ёндашуви	Мақсадга йўналтирилган ёндашув
Кўрсаткичларни ҳисоблаш усули	$C_{ам} = \frac{\text{Соф тушум (натижа)}}{\text{Харажатлар}}$	Ташқи самарадорлик $C = \frac{\text{ҳақиқий натижа}}{\text{мақсадли натижа}}$ Ички самарадорлик $C = \frac{\text{мақсад сарфлари}}{\text{ҳақиқий сарфлар}}$ Умумий самарадорлик Сумум = Сички x Сташқи
Кўрсаткичларнинг оптимал аҳамияти	Максимал	≥ 1
Самарадорлик ва унумдор-ликни ўзаро боғлиқлиги	Бир хил кўрсаткичлар	Кўрсаткичлар тизими
Аҳамияти	Микдорий кўрсаткичлар	Сифат кўрсаткичлари
Қўллаш соҳаси	Иқтисодиётнинг хизмат кўрсатиш соҳаси	Ижтимоий, иқтисодий ва Ижтимоий-иқтисодий

Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини комплекс таҳлил қилиш фақат самарадорлик мезонини ўз ичига олиш билан чегараланиб қолмаслиги керак. Чунки, мезон асосан самарадорликни оширишнинг моҳиятини ва асосий вазифаларини ифодалайди, лекин ўлчов ҳамда баҳолаш воситаси бўлиб хизмат қила олмайди. Бу вазифани иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ҳал қилади.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш комплекс дастури мезонининг мураккаблиги унинг мақсадлари ва ресурсларини тавсифловчи кўрсаткичлар зарурлигини тақозо этади. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётни замонавий тармоқлари сингари ривожланиб бораётган соҳадир. Шунга кўра, мазкур соҳада фаолият юритувчи хўжалик субъектлари иқтисодий самарадорлигини барча ижтимоий, иқтисодий ва бошқа жиҳатлари қуйидаги мезонларда ўз аксини топади: истеъмолчиларнинг турли қатламларига мос хизматларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш; хўжалик юритувчи субъектлар томонидан таклиф этилаётган хизматларни оммабоплигини таъминлаш; хўжалик субъектлари фаолиятининг натижадорлигини ошириш; сарфларнинг нисбий даражасини пасайтириш; соҳада юқори унумдорликни таъминлашга эришиш.

Мазкур мезонлар хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади. Иқтисодий адабиётларда самарадорлик кўрсаткичларини турлича: баҳолаш миқёси бўйича, ресурслардан фойдаланиш даражаси бўйича,

¹¹ Муаллиф ишланмаси.

кўрсаткичларнинг аҳамияти бўйича, уларнинг қарорлар қабул қилишдаги роли бўйича, умумлаштириш даражаси ва ҳоказолар бўйича таснифлари учрайди.

Бизнинг фикримизча, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари икки гуруҳга: хусусий ва умумлашган кўрсаткичларга бўлинади. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини тавсифловчи хусусий кўрсаткичларга меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичлари, моддий ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари киради. Хизмат кўрсатиш корхоналарининг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари тизимида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари алоҳида ўрин эгаллайди. Бизнинг фикримизча, хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат унумдорлиги даражаси ва динамикаси (натурал ва қиймат кўрсаткичлари); ўртача меҳнат ҳақи; бир ходим ҳисобига тўғри келадиган хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати ва меҳнатга ҳақ тўлаш суръатининг нисбати; меҳнат ҳақининг бир сўмига олинган натижа кўрсаткичлари тизимидан фойдаланиб, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини кенг тавсифига эга бўлиш мумкин бўлади.

Умумлашган кўрсаткичларга мақсадли натижалар бўйича ҳисобланадиган кўрсаткичлар киради.

Айни вақтда ижтимоий муаммоларни ҳал этишда аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси муҳим аҳамият касб этади. Унинг соҳалари аҳолининг маънавий ривожланиш эҳтиёжларини, соғлиқни сақлашда, дам олиш, болаларни тарбиялашда, уй-рузғорни юритишда, умуман олганда ҳар бир киши, ҳар бир оила учун зарур бўлган эҳтиёжларни қондириб келмоқда. Ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши ва такомиллашига фаол таъсир этган ҳолда, хизмат кўрсатиш соҳалари, шу билан бирга, муҳим ижтимоий – иқтисодий масалаларни ечишда кўмаклашади. У ўз таркибига қўйидаги соҳаларни, яъни пулли хизмат кўрсатиш турлари, ижтимоий таъминот, дам олиш масканлари, туризм ва спорт, таълим, маданият муассасалари, уй-жой коммунал хўжалиги ва бошқа шу каби хизматларни қамраб олади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожланишини таҳлил этиш ва истиқболини белгилаш келажакда ушбу соҳаларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқишнинг муҳим босқичи ҳисобланади.

Истиқболни белгилаш кўриб чиқиладиган даврда ижтимоий ривожланиш мақсадида келиб чиқадиган ижтимоий, иқтисодий, ишлаб чиқариш муаммоларни олдиндан кўриш имкониятини беради. Иқтисодий ҳолатни олдиндан кўриш уни ривожлантиришнинг энг оқилона йўлини танлаб олишни егиллаштиради.


Ижтимоий ривожланиш дастурини амалга оширилиши маҳаллий ва марказий молиялаштириш ҳисобига ижтимоий соҳа элементларинг ривожланишини ва шаклланишини талаб этади.

Ижтимоий ривожланиш дастурини ишлаб чиқишда ижтимоий соҳа объектлари билан таъминланганлик даражаси эътиборга олинади. Ҳудуднинг ижтимоий дастури таркибига уй-жой, савдо, маиший хизмат, халқ таълим, маданият, транспорт, алоқа, соғлиқни сақлашни ривожлантириш дастурларини қамраб олади.

**Қашқадарё вилоятида хизматлар ва сервиснинг сохалар бўйича улуши
тўғрисида кўрсаткичлар**

Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2015 йилда 2012 йилга нисбатан ўзгариши	
					%	(+;-)
Жами хизматлар	100,0	100,0	100,0	100,0	100	0,0
шу жумладан асосий турлари бўйича:						
Савдо ва овқатланиш хизматлари	23,8	24,8	25,5	26,3	110,50	2,5
Транспорт хизматлари	14,6	14,6	14,2	16,5	113,01	1,9
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, ахборот-ресурс марказлари хизматларини ўз ичига олган ҳолда	6,8	6,1	5,3	5,8	85,29	-1,0
Молиявий хизматлар, микрокредитлар беришни ўз ичига олган ҳолда	6,4	6,2	5,9	6,5	101,56	0,1
Мехмонхона хизматлари	0,1	0,1	0,1	0,2	200	0,1
Маиший хизматлар	2,3	4,7	4,9	5,8	252,17	3,5
Автомобиллар ва бошқа маиший техникаларни таъмирлаш	0,2	0,4	0,4	0,4	200	0,2
Бошқа хизматлар, кишлоқ хужалиғи ва қурилиш хизматларини ўз ичига олган ҳолда	45,8	43,1	43,7	38,5	84,06	-7,3

**Қашқадарё вилоятида хизматлар ва сервиснинг сохалар буйича улуши
тўғрисида кўрсаткичлар**



2.3. Вилоят иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатишни ривожлантиришда инвестицияларнинг ўрни ва ҳозирги ҳолати

Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин. Мамлакатимизда яратилган ишбилармонлик муҳити қулай инвестициявий жозибадорликнинг муҳим таркибий қисми ва омилидир. Фаол инвестиция сиёсати мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг энг муҳим шарти ва манбаи бўлмоғи керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек: “Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш борасида бажарилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ.

2015 йилда ана шу мақсадларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилди ва ўзлаштирилди. Бу 2014 йилга нисбатан 9,5 фоиз кўп демакдир. Жами инвестицияларнинг 3 миллиард 300 миллион доллардан зиёди ёки 21 фоиздан ортиғи хорижий инвестициялар бўлиб, шунинг 73 фоизи тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир.

Инвестицияларнинг 67,1 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилди. Бу эса 2015-йилда умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион доллар бўлган 158 та йирик ишлаб чиқариш объекти қурилишини якунлаш ва фойдаланишга топшириш имконини берди.”¹²

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар тобора чуқурлашиб иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларини камраб олиши, бозор иқтисодиётини жадал суръатлар ривожланиши-ишлаб чиқаришни узлуксиз равишда модернизация қилиб боришга бевосита боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш унга йўналтирилаётган инвестициялар миқдори ва ҳажмига боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Инвестиция бозор иқтисодиёти такомиллашиб бораётган жараёнларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва уни янгилаш-модернизациялаш, ишлаб

¹² И.А.Каримов. “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир”. “Халқ сўзи”// 2016 йил 16 январ

чиқаришга янги техника ҳамда технологияларни жалб этиш, инвестицияларни қўллаш борасида молиявий ресурсларга корхоналарнинг талаб-эҳтиёжларини қондириш муҳим иқтисодий тадбирлардан бири ҳисобланади.

Инвестицияни ҳосил қилиш иқтисодиётда ишлаб чиқариш туфайли яратилган миллий даромаднинг массасига бевосита боғлиқ бўлади. Миллий даромаднинг кўпайиши ишлаб чиқаришда қатнашаётган кишилар сонига ва уларнинг меҳнат унумдорлиги туфайли ҳосил қилинаётган товар-махсулотлар кўламига боғлиқдир. Инвестиция туфайли асосий ва айланма капиталдан ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга сарфланади. Инвестицияни ҳосил қилувчи миллий даромад моддий неъматлар ишлаб чиқарувчи тармоқларда яратилади. Миллий даромаддан иш ҳақи берилади, унинг фойда қисми жамғарилиб, ундан ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, ишлаб чиқаришни модернизациялашга ҳамда такрор ишлаб чиқариш билан боғлиқ масалалар ҳал этишга сарфланади.

Инвестиция сиёсати ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланиши ва унда ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг энг асосий йуналишларидан биридир. Шундай экан, миллий иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантириш фаол инвестиция сиёсатини юргизишни талаб қилади. Бу ўз навбатида, республикада чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишни таъминлайди. Миллий иқтисодиёт соҳаларига ташқи ва ички инвестициялар оқимини фаоллаштириш иқтисодий юксалишнинг янги босқичини бошлаб берадиган асосий омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек: “Ватанимизнинг келажаги, унинг жаҳон иқтисодий алоқалари тизимидаги ўрни инвестицияларга боғлиқ бўлиб турибди. Шунга кўра, иқтисодиётни фаол ривожлантириш кенг миқёсдаги инвестицияларни талаб қилади.”¹³ Демак, инвестициялар ҳар қандай иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи ва унинг тараққиётини таъминловчи куч экан, барча имкониятларимизни ишга солиб иқтисодиётимизга йўналтирилаётган инвестициялар ҳажмини оширишимиз лозим.

Инвестиция ресурслари иқтисодиёт тармоқларини ривожланишини бошқаришнинг иқтисодий омили вазифасини бажаради. Инвестиция маблағлари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш жараёнларида ҳамда аҳолининг фойдаланилмаётган маблағларини тўпланиш натижасида, уларни бошқа жараёнларда ишлатилишини таъминлайди.

Корхона нуқтаи назаридан инвестиция манбалари улар ўз маблағлари, яъни фойда, амортизация ва бошқа пул жамғармалари; қарзга олинган маблағлар, яъни банк кредити ва бошқа ташкилотларни омонатлари, акция ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни сотишдан келган даромадлар ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқи маблағлар ташкил қилади.

Инвестиция таркибида унинг манбалари ўз аксини топади.

¹³ И.А. Каримов. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир”. // “Халқ сўзи” 17.01.2015

Инвестиция манбаларини унинг таркибидан келиб чиқиб молиявий ва моддий ресурсларга ажратиш мумкин.

Молиявий манбаларга - нақд пул, чет эл валютаси, халқаро тўлов пуллари, акциялар, заёмлар, корхоналар маблағлари ва амортизация фонди киради.

Моддий ресурсларга - хом-ашё ресурслари, кўчмас мулк, жамоа-ширкат-хўжалик мулки, фермерлар мулки, деҳқон хўжалик мулки ва тадбиркорлар мулки киради.

Хуллас, инвестициялар - ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқ ва соҳаларини кенгайтириш, уни ривожлантириш, такомиллаштириш, янги техника ва технологиялар сотиб олиш, асосий ва айланма фондларни кўпайтиришга йўналтирилган сармояларнинг пулдаги шаклидир. Инвестицияларни манбалари-бу фойда, амортизация ажратмалари, суғурта ажратмалари, инвесторларнинг пул жамғармалари, облигация заёмлари банк кредитлари, акцияларни сотишдан олинган маблағлар жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг пай улушлари, бюджетдан ажратиладиган маблағлар, хорижий мамлакатлар ва чет эллик фуқароларнинг сармоялари хўжалик юритуачи субъектларни фойдаси, ишчилар, ўқитувчилар, шифокорлар ва аҳолининг тижорат банкларидаги жамғармаларидан ташкил топади.

Мамлакат инвестицияси тузилиши тармоқ ва хусусий инвестициялардан ташкил топади. Тармоқ инвестицияси мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга йўналтирилган тармоқлар саноат бўлиб, унинг маҳсулотларини экспорт қилиш, импорт товарларини ўрнини қопловчи ишлаб чиқаришни шакллантиришдан иборат бўлади. Инвестицияга мулжалланган ресурсларни ҳудуддаги аҳоли ҳамда инвестициялар манфаатига хизмат қилдирилиши ҳудудий инвестиция деб юритилади. Инвестиция фаолиятини ташкил этиш икки манбага асосланиб, ички ва ташқи манбалар ҳисобидан қуйидаги ишлар амалга оширилади: иқтисодиётни модернизациялаш; иқтисодиётни устувор тармоқларини ривожлантириш; ижтимоий инфратузилмаларни шакллантириш; ишлаб чиқариш инфратузилмаларни барпо этиш; ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш; аҳолини иш билан таъминлаш учун янги иш ўринларини яратиш; эскирган ишлаб чиқариш воситаларини янгилаш ва модернизация қилиш; қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашга янги техника ва техникалар киритиш ва бошқа соҳалардаги ишлар амалга оширилади.

III боб. Иқтисодийни модернизациялашда иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

3.1. Иқтисодийни модернизациялашда иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантиришда ривожлантиришнинг хориж тажрибасининг аҳамияти

Ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатлар иқтисодиётида рўй бераётган туб ўзгаришлар хизмат кўрсатиш ва сервис тушунчасига ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан янгича ёндашувни зарурат этмоқда. XX асрнинг сўнгги йилларидан бошлаб хорижий адабиётларда хизмат кўрсатиш фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилишга кенг кўламда киришилди.

Шундай қилиб, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиб бориши инсонлар моддий фаровонлиги ва турмуш сифатини ошишига олиб келди. Маълумки, XIX асрнинг охирларида Э.Энгель томонидан аҳоли даромадини ўсиши билан истеъмол таркибини ўзгаришини статистик жиҳатдан боғлиқлигини асослаган эди. Э.Энгельнинг қондасига кўра, аҳолининг турмуш шароити ва даромадлари даражаси қанчалик юқори бўлса, истеъмолчи сарфининг катта қисмини юқори сифатли товарлар ва хизматларга сарфланади. Яъни, аҳолининг фаровонлиги ва даромадлари қанчалик юқори бўлса, улар оилавий бюджетининг кам қисмини озиқ-овқат маҳсулотларига, кўп қисмини эса сервис хизматларига сарфлашади. Ривожланган мамлакатларда оилавий бюджетнинг 18-20%и озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмолига, 35-40%и эса хизматларга сарфланади.

Хусусан, турли хил товар ва хизматларга тўлов қобилиятини даромадга нисбатан эгилувчанлик коэффиценти ва бошқа йўналишдаги таъқидотлар. Масалан, В.Фьюкс 1968 йилда хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш сабабларидан бири сифатида саноат ва қишлоқ хўжалигига нисбатан хизмат кўрсатиш соҳасида унумдорликни паст даражада ўсиши деб ҳисоблайди¹⁴. В.Фьюкс томонидан, саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳасида иш билан бандлик тақсимоти аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ялпи ички маҳсулот билан қамбарчас боғлиқ деган фикри ўз тасдиғини топомқда. У таъкидлайдики, агарда қишлоқ хўжалиги ҳиссаси даромадларга талаб эластиклиги фарқи билан тушунтирилса, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ўзгаришлар учинчи сектор (хизмат кўрсатиш)ни биринчи (қишлоқ хўжалиги) ва иккинчи (саноат) секторга нисбатан паст унумдорлик даражаси билан ифодаланади.¹⁵ Бу ҳақида саноатда ялпи омилли унумдорлик ўсиши ва хизмат кўрсатиш секторини ривожланиши ўртасидаги юқори корреляция коэффиценти мавжудлигидан далолат беради.

¹⁴ FUCHSV.R The service Economic “National Bureau of Economic Research, New York, 1968

¹⁵ Маркова М.Д. Маркетинг услуг. М.Финансы и статистика. 1996 С-8

Осиё унумдорлик ташкилоти ҳисобларига кўра, Осиёнинг бир қатор мамлакатларида ушбу корреляция коэффиценти қўйидагича (3.1.1- жадвал).

3.1.1- жадвал

Хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланиши ва саноатда унумдорликнинг ўсиши уртасида корреляция¹⁶.

Мамлакат	Корреляция коэффиценти
Жанубий Корея	0,82
Таиланд	0,62
Малайзия	0,59
Япония	0,95

Хорижий иқтисодий адабиётларда миллий хўжаликларнинг алоҳида тармоқларида унумдорлик (самарадорлик) даражасидаги фарқ XX асрнинг 70 йилларидан тадқиқот предмети бўла бошлаган. Ўша даврдаёқ капитал сиғимининг юқорилиги билан ажралиб турадиган (саноат ва қурилиш хўжалиги) иқтисодиёт секторларига нисбатан жонли меҳнати кўп бўлган тармоқларда (хизмат кўрсатиш) унумдорлик юқорилиги тан олинган. Бу ҳақида В.Баумоль, С.Блекмен ва Е.Вольфлор ўз тадқиқотларида тухталиб ўтишган. Қўйидаги жадвалда 1981-2000 йилларда ривожланган мамлакатларда хусусий унумдорлик кўрсаткичларидан бирининг ўсиш суръати статистикаси келтирилган.

Хизмат соҳасида меҳнат унумдорлигини пасайиши барча мамлакатларда рўй берган, айниқса Францияда (2,6% дан 1,9%гача), Англияда (1,7%дан 0,8 %гача), Германияда (2,6%дан 2,0%гача) мазкур кўрсаткични пасайиш тенденцияси юқорироқ бўлган.

Умуман хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорлик даражаси саноат ва қишлоқ хўжалигига нисбатан паст даражада эканлигини кўришимиз мумкин.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда ахборот технологиялари моддий неъматлар ишлаб чиқарадиган тармоқларда самарадорликни ошишига олиб келишини ҳеч бир иқтисодчи инкор қилмайди, аммо унинг иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига таъсири масалалари очик қолмоқда. Бунга боғлиқ ҳолда, саноатга нисбатан хизмат кўрсатиш соҳасида иш билан бандликни юқори эканлигини кўпчилик хориж иқтисодчилари хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорликни индустриал тармоқларга нисбатан пастлиги билан ифодалайдилар.


1987 йилда Р.Солоу томонидан ишлаб чиқилган «Унумдорлик парадокси»¹⁷ га кўра компьютер технологиялари учун қилинган инвестиция

¹⁶ Maha devan R.New Curents in Productivity Analysis. Whee To Now? – APO. 2002. P-40

¹⁷ Solow R We'd Better Out // New York Revier of Books. 1987. July 12-p36

ҳажмининг ўсиб бориши, унга мос ҳолда хизмат кўрсатиш соҳасида унумдорликни ошишига олиб келмаган.

Уни таъкидлашча, XX асрнинг 80 йилларида АҚШда компьютер технологиялари учун қилинган инвестиция 1 трлн. АҚШ долларини ташкил қилган, унинг 85%и хизмат соҳасига йўналтирилган, аммо бу соҳада меҳнат унумдорлигини йиллик ўсиши 1%ни ташкил этган. 90 йилларда эса АҚШ саноатида унумдорликнинг ўсиш суръати 3%ни умуман иқтисодиёт бўйича унумдорлик 1,1%ни ташкил қилган. Ушбу манба асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, унумдорликнинг умумий кўрсаткичини паст бўлишига учинчи сектордаги (хизмат кўрсатишда) унумдорлик даражасини пастлиги сабабдир. Сервис фаолияти соҳасида унумдорлик даражаси пастлиги сабабини қуйидагича тушуниш мумкин. Бир томондан хизматлар юқори технологияли капитал ва интенсив билим талаб қиладиган тармоқларни ўзида мужассамлаштиради, иккинчи томондан, паст технологияли ва кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларни ўзида мужассамлантиради. Шунингдек, хизмат соҳасида юқори малакали ва юқори иш ҳақи оладиган ишчилар ҳам, паст иш ҳақи оладиган ишчилар ҳам меҳнат қилади. Бу ҳол албатта унумдорлик даражасини пастлигига таъсир қилади. Хизматларнинг турли-туманлиги ва хилма-хиллигини Дж.Зингельман томонидан эътироф этилган ва у хизматларни ишлаб чиқариш, истеъмол, ижтимоий ва тақсимот хизматларига таснифлаган (3.1.1.-расм).



1.3.1.-расм. Дж. Зингельманнинг хизматларни таснифлаш таркиби

Дж.Зингельман томонидан таснифлаган хизмат турларининг ҳар бири тури, ўз навбатида, ўзининг мураккаб таснифига эга. Мисол учун, банкларнинг, тиббиётнинг, маиший хизматнинг бир неча юз турлари мавжуд. Шунинг учун ҳам бир хизмат доирасида бир неча фарқланувчи белгилари бўлиши мумкин. Хусусан, тиббиёт хизмати бир вақтнинг ўзида юқори малакадаги касбий тайёргарликни талаб қилувчи капитал интенсив кўринишдаги (мисол учун компьютер диагностикаси ва турли аппаратлар билан даволаш) ва юқори меҳнат талаб қилмайдиган меҳнат интенсив (мисол учун, жарроҳлик аралашуви, ташхис қўйиш) кўринишидаги хизматларни ўз ичига қамраб олади.

Шунинг учун ҳам хизматларни ҳаддан ташқари хилма хиллиги сабабли бир тармоқ ичида фан техника тараққиёти моддий ишлаб чиқаришга нисбатан хизмат соҳасига паст таъсир кўрсатади.

Сервис фаолиятини самарадорлик кўрсаткичини пастлигининг яна бир сабаби сифатида моддий ишлаб чиқариш соҳасига нисбатан хизмат соҳасида банд бўлган ходимлар меҳнат ҳақининг пастлигидир. Аммо хизматларнинг баъзи турларини кўрсатувчи ходимлар меҳнат ҳақи, моддий ишлаб чиқариш ходимларига нисбатан анча юқори (мисол учун, инженеринг, консалтинг, молия, суғурта ва ҳоказолар).

1990-2005 йиллар мобайнида АҚШ хизмат соҳаси ходимларининг меҳнат ҳақи саноат ходимларининг иш ҳақини 67% ни ташкил этган. Японияда хизмат соҳаси ходимининг иш ҳақи, саноатчиларга нисбатан 7% га, Германияда – 15% га кам. Бундан ташқари 1960 йилларда АҚШда учинчи секторда (хизмат соҳасида) банд бўлган бир ишчига тўғри келадиган ишлаб чиқариш ҳажми саноат ходими ишлаб чиқаришининг 77,5% ни ташкил этди. 1992 йилда бу кўрсаткич 69,4 %ни ташкил этган. Шу вақт оралиғида ушбу секторда меҳнат унимдорлиги 0,35% га камайиб борган¹⁸. Шундай қилиб, иқтисодиётни умумий таркибида хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини ошиб боришига қарамай, бу соҳа узоқ вақт мобайнида статистик жиҳатидан кам унимли (кам самарали) ҳисобланган.

Шу билан биргаликда ХХІ асрнинг бошларидаги статистик маълумотларга эътибор берсак, 1994 йилга қадар, ҳақиқатан ҳам унимдорлик кўрсаткичи паст даражада бўлган, аммо 1995 йилдан бошлаб, ривожланган бозор иқтисодиётли мамлакатларда сервис фаолияти унимдорлиги барқарор ўса бошлади. Хусусан, Б.П.Босворт ва Д.У.Трипплетт тадқиқотлари маълумотларига кўра, 1977 йилдан 1995 йилга қадар хизмат соҳасида ялпи омилли унимдорлик ўртача 1% йиллик ўсишни ташкил этган. 1995 йилдан 2005 йилга қадар бу кўрсаткични йиллик ўсиши 2,2 -2,9 % ни ташкил этди¹⁹.

Ҳозирги вақтда хориж тадқиқотчилари «Р.Солоу парадокси»нинг ечимини тушинтирувчи бир неча гипотезаларни илгари суришмоқда.

¹⁸ Statistical Abstract of the united states. 1980, p 441; 1983, p 394; 1986, p 410, 433; 1987. p 4224 1992 p403; 1994 p 447; 1995 p 424, 452. Цитируется по: Иноземсов В.Парадоксы постиндустриальной экономики // МЭ и МО. 2005 №3 С. 3-4

¹⁹ Wall street Journal (November 7.2005)

Биринчидан энг кўп тарқалган вариант сифатида унимдорлик статистикасини номукамаллиги эътироф этилади. Бундай фикрни Р.Солоу илгари сўрган. Иккинчидан, кенг тарқалган вариантлардан яна бири амал қилаётган моддий ишлаб чиқариш ўзагида «сервис хизматлари»ни тўлиқ ҳисобга олмаслик ҳисобланади. Хусусан, «Дж.Зингельман»нинг ишлаб чиқариш хизматлари шулар жумласига киради. Германия миллий хўжалиги институти маълумотларига кўра 1990 йилларнинг бошларида саноат ишлаб чиқаришида сервис хизмат турларининг ҳиссаси 80,6% ни ташкил этган. Жумладан ахборот – таълим хизматлари 11,6% ни, бошқарув хизматлари 6,11% ни, илмий тадқиқотлар 4,9%ни ташкил этган. Учинчидан «Солоу парадокси» тушунтириш илгари амал қилган бошқа ухшаш тадқиқотлар орқали ҳам тушунтириш мумкин.

Бунга «Дэвиднинг кейинга қолдириш гипотезаси» мисол бўла олади. Шунингдек «Солоу парадокси»нинг турли таҳлилий ечимини амал қилишига қарамасдан ҳозирги вақтда улардан ҳеч бири шубҳасиз тўғри деб тан олинмаган. Аммо саноати ривожланган мамлакатларда хизмат соҳасида унимдорлик ўсиш суръати статистикаси ҳозирги вақтда сервис фаолиятини унимдорлигини (самарадорлигини) барқарор ўсаётганидан далолат беради.

Баъзи ҳолларда (масалан, Нервигиода) хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат унимдорлигини ўсиш сурати саноатдагига нисбатан бир мунча юқорилигини таъкидлаш мумкин. Юқоридаги маълумотлар «Дэвиднинг кейинга қолдириш гипотезаси»ни, яъни вақт ўтиши билан меҳнат унимдорлигини ўсиш суръатини жадаллашувини асослашга хизмат қилади.

Хизмат кўрсатиш тармоқларида меҳнат унимдорлигини ўсиш суръати статистикаси маълум бир қизиқиш уйғотади. XX асрнинг 80 йиллариданоқ хориж тадқиқотчилари ЯИМ ҳажмида хизматлар ҳиссасини ўсишини ва постиндустриал жамиятда юқори технологияли тармоқлар керакли даражада айрим хизмат кўрсатиш жараёнида меҳнат унимдорлигини юқори бўлмаслигини талқин этишга ҳаракат қилишган. 1985 йилда Л.Саммерс томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, хизмат кўрсатиш соҳасини турли-туманлиги ушбу соҳага илмий техника тараққиёти ютуқларини бир хилда жорий этилмаслигини ва шунга мос ҳолда унимдорликни (самарадорликни) ўсиш суръати турличалигини кўрсатган.

Баъзи ривожланган мамлакатларда улгуржи ва чакана савдо, транспорт, алоқа, молиявий хизматларда унимдорлик даражасини сезиларли ошганлигини кўришимиз мумкин. Бунда маълум бир қонуниятни, яъни Дж. Зингельманнинг ишлаб чиқариш ва тақсимот хизматларида унимдорликни юқори бўлиши қонуниятини амал қилаётганлигини кўрсатишимиз мумкин. Шунингдек кейинги вақтларда унимдорликни ўсиш суръатини юқорилигини телекоммуникация ва алоқа тармоқларида кўришимиз мумкин. Хусусан, кейинги беш йил ичида бу тармоқларда унимдорлик Германияда 18%, Норвегияда 17% ни ташкил этган. Дж. Зингельманнинг таснифи бўйича истеъмол ва ижтимоий хизмат турларида унимдорликни бир мунча паст даражада бўлганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, ресторан ва меҳмонхона хизматлари бу давр мобайнида Германияда 4,8%, Францияда 3 %, Норвегияда

6% бўлган. Мавжуд бундай қонуниятни қуйидагича изоҳлаш мумкин. Истеъмол ва ижтимоий хизмат соҳаларида бошқа соҳаларга нисбатан унумдорликни паст даражасини ушбу хизматдаги хусусиятлар ва уларга ИТТ ни таъсир кўрсатиш имкониятларини чегараланганлиги билан изоҳлаш мумкин. Д.Треплет ва Б.Босвортларнинг таъкидлашича ИТТнинг таъсири асосан хизмат соҳасининг беш тармоғига, яъни молия хизмати,улгуржи ва чакана савдо хизмати, ишблармонлик хизматлари, суғурта ва коммуникация тармоқларида интенсив таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек ривожланган мамлакатларнинг кўпчилигида бу соҳаларни ривожлантириш мақсадида йирик ҳажмдаги инвестициялар йуналтирилмоқда. Масалан, АҚШда жами инвеститцияларнинг 50% и хизмат соҳасига йуналтирилади ёки ҳар йили ўртача 220 млрд АҚШ доллари миқдоридаги маблағ хизмат соҳасига йуналтирилади.

Шундай қилиб, барча хизматлар меҳнатини капиталга (унумли) алмаштириш лаёқатига эга бўлган ФТТи ютуқларини бир хилда қабул қилиш хусусиятига эга эмас, бу эса ўз навбатида самарадорликка ўз таъсирини кўрсатади. Шу билан биргаликда истеъмол ва ижтимоий хизматлар самарадорлигининг пастлигини бир қанча сабаблари мавжуд. Бир қатор анъанавий хизматлар (меҳмонхона хизмати, умумий овқатланиш, маиший хизматлар ва бошқалар субъектив хусусиятга эга) стандартлаштириш ва техникалашга мос келмайди. Баъзи (хизматлар, масалан, соғлиқни сақлаш ИТТи ютуқларини тез қабул қилса ҳам, улар кўпроқ истеъмолчининг хоҳиш-истагига, хизмат даражасига боғлиқдир. Агар улар паст даражада бўлса, бу ҳол ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиш суръатига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун, хизматнинг бу турларида унумдорлик даражасини оширишга ахборот-технологиялари унчалик катта ижобий таъсир кўрсатмайди.

Истеъмол ва ижтимоий хизматларда унумдорлик даражаси паст бўлиши муайян қийинчиликларни, хусусан, хизмат соҳасида банд бўлганлар меҳнат ҳақи ва унумдорлиги нисбатида муаммоларни келтириб чиқаради. Хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат ҳақини унумдорликка боғлиқ ҳолда ўсишини таъминлаш қийинчилигини биринчи марта ҳар тарафлама таниқли иктисодчи олим В.Баумоль томонидан таҳлил қилинган. У ўз ғоясини ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалари ўртасида доимий тарзда иш ҳақи даражасини бир хилда ушлаб туриш механизми билан асослайди. Унинг фикрича, хизматларга нисбатан ишлаб чиқаришда унумдорлик даражаси бир мунча тезроқ ўсиб боради. Хизмат кўрсатиш соҳасида иш ҳақи даражаси моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги унумдорлик кўрсаткичларига асосланади ва унга бевосита боғлиқдир. В.Баумоль хизматларни турли-туманлиги уни умумлаштиришни қийинлигини эътироф этиб, бу соҳани унумдорлик даражасига қараб уч категорияга ажратади:

- ҳаракатсиз индивидуал хизматлар;
- ўзига хос хусусиятга эга прогрессив хизмат кўрсатиш;
- асимптотик ҳаракатсиз индивидуал хизмат кўрсатиш.

Бизнинг фикримизча, бундай ёндашув самарали бўлиб, хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорлик муаммоларини тадқиқ қилишда кенг имкониятларни юзага келтиради. Шунинг учун уни тўлиқроқ тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ.

В.Баумоль томонидан ажратиб кўрсатилган биринчи категория, яъни ҳаракатсиз индивидуал хизматлар – ўзига шундай хизматларни бирлаштирадики, унда унумдорлик (самарадорлик) ошмайди. Бундай хусусият ушбу хизматларнинг табиатидан келиб чиқади (масалан, персонал характердаги шахсий хизматлар).

Унинг иккинчи категория хизмати ўзига хос хусусиятга эга, прогрессив хизмат кўрсатиш – ўз таркибига мижозни иштирок этишини талаб қилмайдиган хизматларини бирлаштиради: масалан, банкда пулни сақлаш хизмати. Хизматнинг бу турида мижоз икки ҳолатда иштирок этиши мумкин, яъни, шартнома тўзишда ва шартнома муддати тугаганда, бошқа ҳолатларда мижоз хизмат жараёнида иштирок этмайди. Шунингдек, бу категория хизматларига шундай хизматлар кирадики, уларни кўрсатишда машиналар ва асбоб ускуналар салмоқли рол ўйнайди. Бундай хизматлар мижозни иштирокини умуман талаб этмайди ҳамда уларда жонли меҳнат сарфини камайтириш учун машина ва механизмларни киритиш имконияти катта. Шундай қилиб, ўзига хос хусусиятга эга прогрессив хизмат кўрсатиш учун унумдорлик (самарадорлик)ни ўсиш характерли жараёндир.

В.Баумольни учинчи категорияли хизмати – ассимптотик ҳаракатсиз индивидуал хизмат кўрсатиш деб номланиб, унда биринчи ва иккинчи категория хизматларини характерли хусусиятларини ўзида мужассамлаштиради. Бундай хизматларга маълумотларни қайта ишлаш бўйича хизматлар киради. Бу хизматларнинг икки асосий ресурслари мавжуд: техника ва дастур таъминоти. Биринчи компонент иқтисодиётни прогрессив сектори маҳсулоти (иқтисодиётда техника қиймати технологиялар ва унумдорликни ўсиш билан пасайиб боради). Иккинчи компонент – ҳаракатсиз сектор маҳсули бўлиб, унинг сарф харажатлари ўсиб бориш хусусиятига эга.

Бу категория хизматининг ўзига хос муҳим хусусияти – ўзининг ҳаётий циклини дастлабки даврида ҳаракатларнинг пастлиги ва унумдорликнинг ўсишини юқорлигидир. Аммо дастлабки даврда унумдорликнинг ўсиши қанчалик юқори бўлса, у кейинчалик шундай тез пасаяди. Демак, вақт ўтиб бориши билан ассимптотик ҳаракатсиз хизматларни кўрсатишда харажатларни ўзгариб бориши рўй беради. Масалан, саратрошхона хизматини йўлга қўйишнинг дастлабки даврида асосий воситалар ва асбоб - ускуналарга катта сарф харажатлар қилинади (яъни биринчи компонент учун), сартарош меҳнат ҳақи бўйича сарфлар (иккинчи компонент) эса минимал ҳолда бўлади. Вақт ўтиши билан ишлаб чиқаришдаги капитал қўйилмалар ўзини оқлай бошлайди, сартарош эса ўзининг меҳнат ҳаққини оширишни талаб қила бошлайди.

В.Баумольнинг ассимптотик ҳаракатсиз хизмат кўрсатиш категориясини ва Дж.Зингильманнинг таснифи билан ўзаро боғлиқлиги ҳақида гапирганда, қуйидагини эътироф этиш, яъни мазкур категория хизматларига Дж.Зингильманнинг истеъмол ва тақсимот хизматларини киритиш мумкин. Хусусан, истеъмол хизматлари (ресторан, меҳмонхона, маиший хизматлар) кўп ҳолларда паст компонентли ассимптотик ҳаракатсиз индивидуал хизматларни ташкил қилади. Шунингдек, Дж.Зингильманнинг таснифи бўйича тақсимот хизматлари (транспорт, алоқа савдо) В.Баумоль таснифи бўйича юқори

компонентли ассимптотик ҳаракатсиз индивидуал хизматларни ташкил этади. Улар учун ИТТнинг таъсири кучлимас, истеъмолчиларни жалб қилиниши пастлиги, хизмат жараёнида оммавий ишлаб чиқариш ва стандартлашнинг юқорилиги каби хусусиятлари хосдир.

Бизнинг фикримизча, хорижий адабиётларни ўрганиш ва сервис фаолияти унумдорлиги (ресурс-сарф ёндашуви) нуктаи назаридан кўрсаткичларни таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

1. Сервис фаолияти унумдорлиги (ресурс-сарф ёндашуви бўйича самарадорлик)ни ўсиш даражасининг турличалиги хизматлар кўрсатиш жараёнида ИТТни таъсирини ҳар-хиллиги, истеъмолларни хизматлар истеъмолига жалб қилиниш даражаси билан асосланади.

2. В.Баумоль томонидан унумдорликни ўсиш даражасига боғлиқ хизматларни уч категорияга: ҳаракатсиз (инерт) индивидуал хизматларга, ўзига хос хусусиятига эга прогрессив хизмат кўрсатишга, ассимптотик ҳаракатсиз индивидуал хизмат кўрсатишга ажратилган. Тадқиқот жараёнида В.Баумоль хизматлар таснифи билан Дж.Зингельман таснифининг ўзаро боғлиқлиги илмий жиҳатдан асосланди. Хусусан, унумдорлик ўсиш даражаси (самарадорлик) прогрессив хизматлар категорияси ишлаб чиқариш хизматлари билан кўпроқ аҳамият касб этади. Ҳаракатсиз индивидуал хизматлар ижтимоий хизматлар таркибида камроқ хусусиятга эга. Ассимптотик ҳаракатсиз хизматлар эса кўпроқ хилма-хилликга эга бўлиб, бунда унумдорлик (самарадорлик) даражаси прогрессив компоненти юқори бўлган хизматлар ҳиссасига боғлиқ. Бундай хизмат турларига истеъмол ва тақсимот хизматлари ҳам тегишли.

3. В.Баумоль хизматлар категориясини хизматларларнинг шундай хоссалари, яъни хизматларни автоматлаштириш даражаси, хизмат кўрсатиш жараёнига истеъмолчиларни жалб қилиш ва хизмат жараёнига техник - муҳандислик ва ИТТнинг таъсири билан тавсифлаш мумкин.

4. Сервис фаолиятида самарадорлик (унумдорлик) кўрсаткичлари статистикасини ўрганиш орқали шундай хулоса қилиш мумкин: бир неча категориядаги хизматларни самарадорлигини баҳолашда ресурс-сарф ёндашуви самарадорлик ҳақида бир мунча тор тасаввурни беради, чунки у фақат иқтисодий томонини ёритади. Бу ҳол баъзи хизмат категорияларида унумдорлик кўрсаткичларини аҳамияти пасайишини асослайди.

Шундай қилиб, хорижий тадқиқотчиларнинг тажрибаси сервис фаолиятининг баъзи турлари самарадорликни баҳолашда ресурс-сарф ёндашувидан фойдаланишнинг чегараланганлигидан далолат беради ва шунинг учун ҳам унинг (сервис хизматларини баъзи турларини) самарадорлигини баҳолашда янгича комплекс ёндашувнинг долзарблигини келтириб чиқаради.

3.2. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий турмуш тарзини яхшилаш мақсадида олиб борилаётган ислохотлар ўзининг ижобий самарасини кўрсатмоқда. Шунингдек, 2013 - 2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорининг қабул қилиниши бугунги кунда ушбу соҳа учун асосий йўналишларни белгилаб бермоқда.

Ушбу қарорда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ва мувозанатлашган тарзда ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг замонавий юқори технологик ва бозор хизмат турларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, бунинг асосида янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадлари оширилишини таъминлаш асосий мақсад қилиб белгиланган. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан манфаатдор вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган қуйидагиларни ўз ичига олган 2013-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада жадал ривожлантириш Дастури қабул қилинган бўлиб, 2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантиришнинг асосий хизмат турлари ва ҳудудлар бўйича мақсадли параметрлари ишлаб чиқилган. Бунда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш ва ўсиш кўламини кенгайтириш, Дастур бажарилишини мониторинг бўйича чора-тадбирлар комплекси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан Дастурнинг амалга оширилиши устидан тизимли асосда назорат ўрнатилишини ва ҳар йили, ярим йиллик ва умуман йил якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси йиғилишларида кўриб чиқиш учун белгиланган вазифалар ва параметрларнинг сўзсиз бажарилиши бўйича аниқ таклифлар билан таҳлилий материаллар киритилиши кўрсатилган.

Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда хизмат кўрсатишга доир объектларни барпо этиш учун қишлоқ аҳоли пунктларидаги давлат мулки бўлган ва фойдаланилмаётган бинолар ва хоналарни тадбиркорлик субъектларига бериш, тадбиркорлик субъектларига ер участкалари ажратиб берилиши кўзда тутилганлиги ҳам бугунги кунда хизматлар сифатини оширилишига ўзининг таъсирини кўрсатади. Бунда ҳудудларни қуришнинг бош режаларига мувофиқ лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда, кадастр ҳужжатларини расмийлаштиришда кўмаклашишни тезлаштирилган ҳолда хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини муҳандислик коммуникацияларига ҳамда ишлаб чиқариш инфратузилмасига боғланиши мақсадга мувофиқдир. Қишлоқ жойлардаги давлат мулки бўлган фойдаланилмаётган бинолар ва хоналар хизмат кўрсатиш

ва сервис соҳасидаги корхоналар ҳамда объектларни ташкил этиш учун жисмоний ва юридик шахсларга қуйидаги шартларда берилиши белгиланган:

2013-2016 йиллар даврида қонун ҳужжатларида назарда тутилган тегишли коэффицентларни қўлламаган ҳолда давлатнинг кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг минимал ставкаси бўйича ижарага бериш;

давлат мулкани хорижий инвесторларга сотишда тендер савдоларини ўтказувчи Давлат комиссияси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича инвестиция мажбуриятларини қабул қилган ҳолда нулинчи харид қиймати бўйича сотиш.

Шунингдек, 2013-2016 йиллар даврида ўз вақтида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлайдиган, солиқ ва статистика органларига ҳисоботларни топширадиган, шунингдек ўсиш ва рентабелликнинг барқарор суръатларини таъминлайдиган қишлоқ жойларда хизматлар кўрсатадиган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти текширувлардан холи этилиши ҳам ушбу соҳани қўллаб –қувватлашнинг бир кўринишидир.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда қишлоқ туристик йўналишларида йўл бўйидаги инфратузилма ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини қуриш учун тайёр тортиб келтирилган муҳандислик коммуникациялари мавжуд бўлган ер участкаларининг манзилли рўйхатини тасдиқласин ва уларнинг тадбиркорлик субъектларига танлов асосида ажратиб берилишини таъминлаш белгиланган бўлиб, экологик, тиббий-соғломлаштириш, спорт туризми, шунингдек яқка тартибдаги қишлоқ меҳмонхона уйлари негизида агротуризмни ўз ичига олган замонавий туристик хизматлар турларини устувор ривожлантириш зоналарини ажратиб берилиши хизмат кўрсатишни янада такомиллаштиради.

Айниқса, туристларга сервис хизмати кўрсатиш учун йўл бўйидаги инфратузилма мажмуаси қурилиши бўйича меъморий-режалаштириш талабларини мослаштириш, қурилиш учун махсус ажратилган ҳудудда уларни ихчам жойлаштиришни, шунингдек ҳар бир мажмуанинг лойиҳаси ва ташқи архитектура кўринишининг ўзига хослиги ва хилма-хиллигини таъминлаш миллий анъаналаримизни янада кенгроқ ёйилишига хизмат қилади.

И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Ўтган йили иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, бандликни таъминлаш, одамларимизнинг даромади ва ҳаёт сифатини оширишнинг муҳим омил ва йўналишларидан бири тариқасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш борасидаги тизимли ишлар изчил давом эттирилди.

2015 йилда ялпи ички маҳсулот ўсишининг ярмидан кўпи хизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасига тўғри келгани бу тармоқнинг иқтисодиётимиздаги ўрни ва таъсири нақадар катта эканини кўрсатади. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2010 йилдаги 49 фоиздан

54,5 фоизга етди. Жами банд аҳолининг ярмидан кўпи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда.”²⁰

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги Қарорига асосан хизматлар бозори кенгайиб, уларнинг таркиби ва янги турларини ривожлантириш ҳисобига янада такомиллашиб бормоқда. Бугунги кунда мазкур соҳага Қарши шаҳрида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида шахримиз аҳолисига қатор қулайликлар яратилмоқда. Хизмат кўрсатиш йўналишидаги лойиҳалар бўйича жами 18,6 млрд.сўмлик (13,4 млрд.сўм ўз маблағи, 5,2 млрд.сўм банк кредити) 99 та лойиҳада 463 та иш ўринлари амалга оширилиши белгиланган бўлиб, амалда 18,4 млрд.сўмлик (14,5 млрд.сўм ўз маблағи, 3,9 млрд.сўм банк кредити) 99 та лойиҳалар амалга оширилиб, 463 янги иш ўринлари яратилди.

Жумладан, Қарши шаҳарда “Невро мед шифо маскани” Х.К 9 иш ўринли 755,5 млн.сўмлик соғломлаштириш мажмуаси ва 1000,0 млн.сўмлик 8 иш ўринли хизмати кўрсатиш мажмуаси ишга туширилди.

Қарши шаҳрида 2015 йилда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурига асосан 2015 йилнинг январ-декабр ойларида бозор хизматлари ҳажми 677,6 млрд.сўмни ёки ўтган йилга нисбатан 115,7 фоизга бажарилган. бўлсада, прогнозга нисбатан 9,2 млрд.сўмга ёки 2,4 бандга кам бажарилди (прогноз 476,8 млрд.сўм, 116,1 фоиз). Булар асосан мобиль алоқа компанияларидир.

Туризм дастурини бажарилиши бўйича 2015 йилда Қарши шаҳри бўйича Қарши шаҳрининг туристик объектларини туширилган карта-схемаларини ишлаб чиқилди. “Қашқадарё автойўл” ДАК томонидан Қарши шаҳрида “Ибн Убайда ал-Жаррох”, мажмуасида ягона тасдиқланган намуна асосида йўл кўрсаткичлари ўрнатилди. Қарши Аэропорти биноси таъмирланди, юкори мартабали меҳмонлар зали ташкил этилди, янги маҳаллий авиарейслар йўлга қўйилади. Қарши аэропортига “Халқаро Аэропорт” мақоми берилди.

Қуйидаги 3.2.1-жадвал орқали Қашқадарё вилоятида аҳолига кўрсатилган хизматлар ва сервиснинг соҳалар бўйича улуши тўғрисидаги кўрсаткичлар билан танишиб чиқамиз.[2]

²⁰ И.А.Каримов “Бош мақсадимиз – мавжуд кийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодийётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир”. “Халқ сўзи”// 2016 йил 16 январ

3.2.1-жадвал

**Қашқадарё вилоятида хизматлар ва сервиснинг соҳалар бўйича улуши
тўғрисида кўрсаткичлар (фоизда)**

Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2015 йилда 2012 йилга нисбатан ўзгариши	
					%	(+;-)
Жами хизматлар	100,0	100,0	100,0	100,0	100	0,0
шу жумладан асосий турлари бўйича:						
Савдо ва овқатланиш хизматлари	23,8	24,8	25,5	26,3	110,5	2,5
Транспорт хизматлари	14,6	14,6	14,2	16,5	113,0	1,9
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, ахборот-ресурс марказлари хизматларини ўз ичига олган ҳолда	6,8	6,1	5,3	5,8	85,3	-1,0
Молиявий хизматлар, микрокредитлар беришни ўз ичига олган ҳолда	6,4	6,2	5,9	6,5	101,6	0,1
Меҳмонхона хизматлари	0,1	0,1	0,1	0,2	200,0	0,1
Маиший хизматлар	2,3	4,7	4,9	5,8	252,2	3,5
Автомобиллар ва бошқа маиший техникаларни таъмирлаш	0,2	0,4	0,4	0,4	200,0	0,2
Бошқа хизматлар, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш хизматларини ўз ичига олган ҳолда	45,8	43,1	43,7	38,5	84,1	-7,3


*Манба: Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ҳудудларни комплекс ривожлантириши йиғма
бошқармаси маълумоти*

Жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, вилоят бўйича кўрсатилаётган жами хизматлар таркибида бошқа хизматлар, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш хизматларини ўз ичига олган ҳолдаги хизмат турлари катта улушга эга бўлиб, 2015 йилда 38,5 фоизни ташкил қилган. Ушбу кўрсаткич 2012 йилга нисбатан 15,9 фоизга камайганлигини кўрамиз. Савдо ва овқатланиш хизматлари эса 26,3 фоизни ташкил қилиб, 2012 йилга нисбатан 10,5 фоизга ошганлигини кўрамиз. Кейинги катта улушга эга бўлган соҳа транспорт хизматлари бўлиб, 16,5 фоизни

ташкил қилган. 2012 йилда эса 14,6 фоизни ташкил қилган ва 2015 йилда 13,0 фоизга ошган. Жадвал маълумотларини таҳлил натижаларига кўра, келажакда вилоятда меҳмонхона хизматлари ҳамда автомобиллар ва бошқа маиший техникаларни таъмирлаш хизматлари улушини янада ошириш имкониятларини кенгайтириш зарур.

1-диаграмма

Қашқадарё вилоятида хизматлар ва сервиснинг соҳалар бўйича улуши тўғрисида кўрсаткичлар



Манба: Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ҳудудларни комплекс ривожлантириш йизма бошқармаси маълумоти

Келажакда иқтисодийни модернизациялашда аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасининг замонавий турларини янада кўпайтириш; кўрсатилаётган хизмат турлари, сарф харажатлар ва уларнинг сифати юзасидан мониторинг олиб бориш; аҳоли турмуш даражасини яхшилаш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш учун замонавий ва мини технологиялар олиб киришни йўлга қўйиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга эришиш; кадрларни малакасини ошириш ва хорижий тажрибаларни ўрганиш учун шарт-шароитлар яратиш, яъни замонавий компьютер кўникмаларига ва чет тилларни ўзлаштира оладиган мутахассислар билан таъминланиш амалга оширилиши лозим.

Иқтисодий субъектлар фаолиятида маркетинг тизимини яхшилаш ва инвестициялар жалб этишни такомиллаштириш ҳамда замонавий технологиялар кўргазмалари, лизинг хизмати, дилер ва брокерлар

хизматларидан самарали фойдаланишни амалга ошириш; вилоят қишлоқ хўжалигида замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган саноат ишлаб чиқаришини вужудга келтириш, фермер хўжаликларида қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатларини тежаш ва маҳсулот таннархини пасайтириш; инфратузилма шахобчаларини ташкил этишни оптимал жойлаштириш, жойларда ташкил этилган ЁММ ва минерал ўғитларни етказиб бериш шахобчаларини юридик шахс мақоми даражасига етказиш, корхоналарни Низомлари асосида фаолият юритишини таъминлаш ва самарадорликни ошириш эришиш; инфратузилма субъектлари томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўз вақтида сотиш, экспорт қилиш ишларида биржа электрон савдо хизматларидан фойдаланишни такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Демак, юқоридаги таҳлил натижаларига кўра аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун кўзда тутилган вазифалар ўз самарасини бермоқда.

3.3. Иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантиришда замонавий технологияларни жорий этилиши ва инновацияларни қўллашнинг аҳамияти

Иқтисодиётни модернизациялашда иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантиришда замонавий технологияларни жорий этилиши ва инновацияларни қўллаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Жаҳонда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳамда мамлакатлараро интеграция шароитида республикада қисқа вақт ичида инфратузилмани ривожлантиришда янги инновацион ривожланиш йўлига ўтиши зарур. Бу йўл орқали замонавий техник-технологик асосида хизмат кўрсатишнинг мавқеини ошириш имконияти пайдо бўлади.

Ижтимоий соҳада инновацион жараёнларни бошқариш ишлаб чиқариш соҳасини бошқаришга нисбатан тубдан фарқ қилади. Умуман олганда, ижтимоий соҳани бошқариш – бу аҳоли турмуш даражасини ошириш мақсадида давлат, маҳаллий ҳокимият, барча турдаги мулкчилик корхоналарнинг ҳамда фуқаролик жамоа институтлар томонидан ижтимоий соҳага бўлган узлуксиз таъсир тушунилади. Таъкидлаб ўтиш лозимки, одатда ижтимоий соҳани бошқаришда икки хил бошқариш тизимига эътибор қаратилади, яъни ҳудудий ва тармоқ бўйича. Аммо иккала услуб билан бирга бошқа услуб ҳам борлигини ҳисобга олиш лозим, бунда у ёки бу муаммо пайдо

бўлиши билан шаклланадиган истиқболли инновацион технология усули ва муаммо ечим топиши билан ўз фаолиятини тугатади.

Ижтимоий соҳада инновацион жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинганда, ушбу соҳадаги инновацион жараёнларга таъсирини ҳисобга олмоқ лозим. Ушбу омилларни ижобий ва салбий деб баҳолаш мумкин.

Ижобий омилларга қуйидагилар киради:

- Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган ижтимоий йўналтирилган сиёсат. Ушбу сиёсат натижасида ижтимоий соҳада инновацион фаолият учун рағбатлантирувчи куч ҳисобланган турли мулкчилик шаклига асосанган тадбиркорлик субъектлари вужудга келди;

- Жамиятда ижтимоий хизматлар соҳасини модернизация қилиш ва хизмат сифатини яхшилашга бўлган талабнинг ошиши. Масалан, ҳозирги кунда қишлоқларда бўлган ижтимоий ҳолат намунавий уй-жойларни қуриш ва ушбу ҳудудларда кимплекс инфратузилма объектларини ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирларни келтиришимиз мумкин:

- Ўзбекистонда молиявий барқарорликнинг ўсиши ва натижада ижтимоий соҳа тармоқларининг ривожланишига йўналтирилган маблағларнинг ошиши;

- Ижтимоий соҳада инновацион ривожлантиришда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш имкониятларининг мавжудлиги.

Шу билан бирга ижтимоий соҳада инновацион жараёнларга салбий таъсир этадиган омиллар гуруҳини ҳам эътиборга олиш зарур:

- Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш мавжудлигига қарамасдан, ижтимоий соҳадаги мавжуд долзарб муаммоларни, айниқса, унинг асосий фондларни янгилаш ва модернизация қилиш билан боғлиқ вазифаларни молиявий ренсурсларнинг етишмаслиги сабаби ҳал қилиш мураккаб бўлади;

- Керакли ва малакали кадрларнинг етишмаслиги соҳада инновацион жараёнларни жорий этишга тўсиқ бўлмоқда, масалан ижтимоий соҳанинг айрим хизмат кўрсатувчи корхоналарида чет элдаги аналог корхоналарга нисбатан 5-10 мартагача кўпроқ ишчилар ишлайди;

- Ижтимоий соҳанинг айрим тармоқлари табиий монополия характериға эға. Масалан, аҳолини ичимлик суви, газ, электроэнергия билан таъминлаш ва бошқалар;

- Ижтимоий соҳада инновацияларни кенг жорий этиш ва тарқатиш мураккаблиги, айрим ижтимоий хизматларда эса инновацияларни жорий этишнинг умуман иложи йўқлиги, масалан ичимлик суви билан таъминлаш ва ҳокази;

- Аҳоли томонидан айрим янгиликларга бўлган салбий муносабати.

Инновацион ривожланиш жараёнларни бошқариш технологияларини нисбатан икки катта гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Базисли технологиялар, бунда у ёки бу даражада (республика, вилоят, туман миқёсида) ижтимоий соҳа мажмуида стратегик мақсадла бошқарувини тайёрлаш ва амалга оширишда қўлланиладиган инновацион ечимларни тушуниш лозим. Ушбу инновациялар гуруҳига энг авваломбор, мақсадли

дастурларни киритиш мумкин, шу жумладан миллий устувор лойиҳалар, форсайт-технологиялар ва ҳоказо;

2. Функционал технологиялар, ижтимоий соҳа тармоқларини бошқариш жараёнларини такомиллаштиришда соҳа, туман, алоҳида корхона даражада инновацион ечимлар қўлланилади. Юқорида кўрсатилган атамаларни уларнинг мазмуни билан ижтимоий соҳада инновацион фаолиятни тадқиқ қилишда қўллаш таклиф этилади.

3. Ижтимоий инфратузилма объектларининг инновацион ривожланишини бошқаришда базис инновациялар гуруҳини алоҳида ажратиш лозим, уларни жорий этиш натижасида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эришиш имконияти вужудга келади.



- Ўзбекистонда молиявий барқарорликнинг ўсиши ва натижада ижтимоий соҳа тармоқларининг ривожланишига йўналтирилган маблағларнинг ошиши;

- Ижтимоий соҳада инновацион ривожлантиришда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш имкониятларининг мавжудлиги.

Шу билан бирга ижтимоий соҳада инновацион жараёнларга салбий таъсир этадиган омиллар гуруҳини ҳам эътиборга олиш зарур:

- Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш мавжудлигига қарамасдан, ижтимоий соҳадаги мавжуд долзарб муаммоларни, айниқса, унинг асосий фондларни янгилаш ва модернизация қилиш билан боғлиқ вазифаларни молиявий ренсурсларнинг етишмаслиги сабали ҳал қилиш мураккаб бўлади;

- Керакли ва малакали кадрларнинг етишмаслиги соҳада инновацион жараёнларни жорий этишга тўсиқ бўлмоқда, масалан ижтимоий соҳанинг айрим хизмат кўрсатувчи корхоналарида чет элдаги аналог корхоналарга нисбатан 5-10 мартагача кўпроқ ишчилар ишлайди;

- Ижтимоий соҳанинг айрим тармоқлари табиий монополия характериға эға. Масалан, аҳолини ичимлик суви, газ, электроэнергия билан таъминлаш ва бошқалар;

- Ижтимоий соҳада инновацияларни кенг жорий этиш ва тарқатиш мураккаблиги, айрим ижтимоий хизматларда эса инновацияларни жорий этишнинг умуман иложи йўқлиги, масалан ичимлик суви билан таъминлаш ва ҳокази;

- Аҳоли томонидан айрим янгиликларға бўлган салбий муносабати.

Инновацион ривожланиш жараёнларни бошқариш технологияларини нисбатан икки катта гуруҳға ажратиш мумкин:

1. Базисли технологиялар, бунда у ёки бу даражада (республика, вилоят, туман миқёсида) ижтимоий соҳа мажмуида стратегик мақсадла бошқарувини тайёрлаш ва амалға оширишда қўлланиладиган инновацион ечимларни тушуниш лозим. Ушбу инновациялар гуруҳиға энг авваломбор, мақсадли дастурларни киритиш мумкин, шу жумладан миллий устувор лойиҳалар, форсайт-технологиялар ва ҳоказо;

2. Функционал технологиялар, ижтимоий соҳа тармоқларини бошқариш жараёнларини такомиллаштиришда соҳа, туман, алоҳида корхона даражада инновацион ечимлар қўлланилади. Юқорида кўрсатилган атамаларни уларнинг мазмуни билан ижтимоий соҳада инновацион фаолиятни тадқиқ қилишда қўллаш таклиф этилади.

3. Ижтимоий инфратузилма объектларининг инновацион ривожланишини бошқаришда базис инновациялар гуруҳини алоҳида ажратиш лозим, уларни жорий этиш натижасида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришға эришиш имконияти вужудға келади.

3-жадвал

Qashqadaryo viloyatida 2008-2014 yillarda asosiy makroiqtisodiy ko'rsatkichlar

т/п	Tarmoqlar	2008 yil	2009 yil	2010 yil	2011 yil	2012 yil	2013 yil	2014 yil	2014 yil 2008 yilga nisbatan, %
1.	YAHM, mlrd.so'm	3818,0	5244,8	5862,9	6973,9	8704,9	8828,1	10209,2	141,8
	o'tgan yilning mos davriga nisbatan % da	111,2	108,1	103,2	106,6	104,6	105,6	107,9	x
2.	Iste'mol narxlari indeksi (INI)								
	dekabr oyi o'tgan yil dekabr oyiga nisbatan, %	106,3	107,5	107,1	107,8	107,6	107,5	107,5	x
3.	Sanoat mahsulotlari xajmi, mlrd.so'm	3306,6	4461,6	4614,7	4621,3	5589,9	6263,7	6322,3	124,8
	o'tgan yilning mos davriga nisbatan % da	118,9	115,1	96,8	104,1	98,0	102,9	106,7	x
4.	Xalq iste'moli mollari xajmi, mlrd.so'm	249,2	279,7	356,0	450,6	524,9	1009,0	1110,5	176,6
	o'tgan yilning mos davriga nisbatan % da	117,4	107,1	111,2	117,4	108,2	110,4	105,8	x
5.	Qishloq xo'jaligi mahsulotlari xajmi, mlrd.so'm	1015,4	1194,1	1491,7	1826,3	2439,5	2618,4	3078,8	139,4
	o'tgan yilning mos davriga nisbatan % da	107,0	104,5	106,9	103,6	106,2	106,8	106,2	x
6.	Asosiy kapitalga investitsiyalar xajmi, mlrd.so'm	1824,7	2193,0	1690,4	2107,9	2875,9	3498,8	3944,4	106,9
	o'tgan yilning mos davriga nisbatan % da	174,1	110,6	66,9	109,0	118,8	105,7	105,6	x
7.	Qurilish ishlari xajmi, mlrd.so'm	398,7	507,6	699,2	791,5	997,9	1168,2	1619,8	2 m
	o'tgan yilning mos davriga nisbatan % da	109,6	108,2	125,2	104,9	114,6	105,1	120,1	x
8.	Chakana savdo aylanmasi xajmi, v mlrd.so'm	747,3	959,0	1325,2	1867,1	2567,6	3443,7	4394,3	2,9 m
	o'tgan yilning mos davriga nisbatan % da	119,2	115,6	120,7	127,2	119,7	118,7	116,2	x
9.	Xizmatlar - jami, mlrd.so'm	930,7	1197,6	1498,5	1929,1	2521,1	3407,5	4 525,0	2,6 m
	o'tgan yilning mos davriga nisbatan % da	114,8	114,8	113,0	116,4	119,7	120,4	118,1	x
9a.	Pullik xizmat ko'rsatish, mlrd.so'm	224,6	280,9	378,8	524,6	731,5	1027,1	1286,8	2,8 m
	o'tgan yilning mos davriga nisbatan % da	128,3	105,5	114,7	113,7	118,6	119,5	111,7	x
10.	Tashqi savdo aylanmasi, mln. AQSH dollari	1787,9	2461,7	504,6	580,7	750,8	765,5	637,2	35,6
	o'tgan yilning mos davriga nisbatan % da	214,1	137,7	20,5	115,1	129,3	101,9	83,2	x
11.	Eksport, mln. AQSH dollari	1274,3	2068,7	355,8	462,3	343,1	335,3	323,5	25,4
	o'tgan yilning mos davriga nisbatan % da	202,2	162,3	17,2	129,9	74,2	97,7	96,5	x
12.	Import, mln. AQSH dollari	513,6	393,0	148,8	118,4	407,7	430,2	313,7	61,1
	o'tgan yilning mos davriga nisbatan % da	250,5	76,5	37,9	79,6	344,4	105,5	72,9	x
13.	Tashqi savdo aylanmasi saldos (+, -)	760,7	1675,7	207,0	343,9	-64,6	-94,9	9,8	x

Манба: Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ҳудудларни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармаси маълумоти

Qashqadaryo viloyatining 2007-2014 yillarda YaHM tuzilmasi, (%)da

т/п	Tarmoqlar	2008 y.	2009 y.	2010 y.	2011 y.	2012 y	2013 y	2014 y
1	YAHM	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
2	Sanoat	42,0	48,8	42,1	36,0	36,0	37,4	33,7
3.	Qishloq xo'jaligi	18,0	15,3	17,2	17,8	18,2	19,8	19,4
4	Qurilish	9,3	8,5	8,2	8,4	8,9	6,5	7,8
5.	Transport va aloqa	7,0	3,9	5,0	5,9	6,3	7,5	7,2
6.	Savdo va umumiy ovqatlanish	3,5	3,8	4,8	5,8	5,8	6,4	7,6
7.	Boshqalar	13,6	12,9	15,5	16,5	16,6	14,0	15,0
8.	Sof soliqlar	6,6	6,8	7,2	9,6	8,2	8,4	9,4
9.	YAHMni Respublika YAIMdagi ulushi	9,8	10,6	9,4	8,9	8,9	7,4	7,3

Манба: Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ҳудудларни комплекс ривожлантириш йизма бошқармаси маълумоти

Qashqadaryo viloyatida 2007-2014 yillarda ko'rsatilgan xizmatlar

Shahar va tumanlar nomi	2008 yil		2009 yil		2010 yil		2011 yil		2012 yil		2013 yil		2014 yil		2014 yilda 2008yilga nisbatan, %
	mlrd. so'm	o'sish, %	mlrd. so'm	o'sish, %	mlrd. so'm	o'sish, %	mlrd. so'm	o'sish, %	mlrd. so'm	o'sish, %	mlrd. so'm	o'sish, %	mlrd. so'm	o'sish, %	
Yalpi hududiy mahsulotda xizmatlar ulushi	x	24,1	x	20,6	x	25,3	x	28,2	x	28,7	x	27,9	x	29,7	x
Viloyat bo'yicha jami xizmatlar ,	930 667	114,8	1 197 616	114,8	1 498 528	113,0	1 929 112	116,4	2 521 056	119,7	3 407 469	120,4		118,1	4,9м
shundan:															
Qarshi shahar	309 894	118,9	429 364	125,1	538 313	112,2	689 471	113,3	920 018	123,3	1 126 058	122,7		124,4	4,9м
G'uzor	37 808	113,0	47 879	112,2	59 607	112,6	85 742	131,2	114 655	107,9	166 443	121,7	340 690	127,1	9,0м
Dehqonobod	10 330	96,9	22 057	189,3	24 995	102,5	32 277	116,9	42 549	120,3	68 489	124,2	92 313	121,1	8,9м
Qamashi	25 804	119,8	28 724	98,1	45 620	143,7	54 577	109,2	71 008	119,0	113 233	124,1	146 030	119,4	5,6м
Qarshi tumani	41 455	127,9	53 757	116,8	57 451	95,7	77 011	122,4	93 007	116,3	141 931	124,6	185 357	119,5	4,5м
Koson	70 931	125,6	87 335	109,2	141 313	146,2	178 975	116,0	236 163	122,4	337 005	123,6	437 584	119,4	6,2м
Kitob	45 751	117,8	49 706	96,3	69 545	126,6	89 282	117,1	102 076	108,5	140 039	120,5	199 279	123,4	4,3м
Mirishkor	11 092	72,9	15 279	122,1	24 875	147,3	32 370	118,3	40 997	116,0	66 797	126,7	94 054	121,3	8,5м
Muborak	107 762	111,9	122 206	100,5	132 180	97,8	161 298	112,2	278 811	141,7	331 921	108,4	323 288	90,6	3,0м
Nishon	123 767	112,7	157 061	112,5	169 090	99,9	220 951	120,2	249 935	107,6	315 028	106,9	380 872	103,3	3,1м
Kasbi	18 338	119,7	22 058	106,6	31 261	128,2	46 591	135,9	56 407	110,6	90 256	127,5	115 783	120,0	6,3м
Chiroqchi	34 493	106,9	44 445	114,2	50 348	102,4	60 418	109,1	78 927	118,6	132 440	121,8	188 347	125,5	5,5м
Shahrisabz	69 891	106,1	87 987	111,6	108 450	111,5	139 538	118,5	159 358	110,1	250 113	128,9	318 306	121,8	4,5м
Yakkabog'	23 349	107,4	29 757	113,0	45 480	138,2	60 610	121,2	77 145	115,5	127 717	126,9	178 459	120,5	7,6м

Манба: Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ҳудудларни комплекс ривожлантириш йизма бошқармаси маълумоти

Qashqadaryo viloyatida 2008-2014 yillarda kichik biznes subyektlarining iqtisodiyot tarmoqlaridagi ulushi to'g'risida ma'lumotlar to'g'risida ma'lumot

t/r	Ko'rsatkichlar	2008 yil	2009 yil	2010 yil	2011 yil	2012 yil	2013 yil	2014 yil
1.	Yalpi hududiy mahsulotda KBSlarining ulushi	50,9	52,6	55,0	56,2	51,4	51,4	51,5
2.	Sanoatda KBSlarining ulushi*	17,5	22,4	6,5	8,9	8,9	14,9	16,9
3.	Investitsiyada KBSlarining ulushi	20,0	22,9	23,3	18,0	15,1	14,1	14,7
4.	Jami xizmatlarda KBSlarining ulushi	50,1	45,9	51,4	49,5	47,5	51,2	52,9
5.	Pullik xizmatlarda KBSlarining ulushi	80,6	79,0	76,7	69,8	58,5	54,3	55,6
6.	KBSlarida band aholi ulushi	73,3	74,4	74,8	76,1	77,0	77,9	78,4
7.	Kichik biznes subyektlari soni**	9982	12099	14503	16656	16686	16087	17492
8.	Yangidan tashkil etilgan KBS soni***	1565	2814	2626	3202	1438	1652	1578
9.	Tugatilgan KBS soni***	867	601	684	1428	1728	1832	4561

* 2007-2009 yillarda "Ko'kdumaloq-gaz" QK kichik biznes subyekti sifatida ro'yxatga olingan

** DFX dan tashqari

*** yanvar-dekabr oylarida (DFX dan tashqari)

Манба: Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ҳудудларни комплекс ривожлантириш йизма бошқармаси маълумоти

7-жадвал

2014 yil yanvar dekabrda Qashqadaryo viloyati ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishning asosiy ko'rsatkichlari

Tumanlar jami	Sanoat mahsuloti		Istemol tovarlari		Qishloq ho'jaligi mahsuloti		Asosiy kapitalga kiritilgan investisiyalar		Qurilish ishlari	
	mlrd so'm	2013 y yanvar dekabrga nisbatan foizda	mlrd so'm	2013 й. yanvar dekabrga nisbatan foizda	mlrd so'm	2013 й. yanvar dekabrga nisbatan foizda	mlrd so'm	2013 й. yanvar dekabrga nisbatan foizda	mlrd so'm	2013 й. yanvar dekabrga nisbatan foizda
	6322,3	106,7	1110,5	105,8	3078,8	106,2	3944,4	105,6	1619,8	120,1
shaharlar:										
Qarshi	715,6	101,4	514,9	103,6	31,6	118,3	545,0	64,3	468,3	117,0
tumanlar:										
G'uzor	1498,6	98,5	15,8	111,1	203,0	102,2	757,7	186,3	79,1	120,4
Dehqonobod	111,4	114,8	6,8	106,4	114,0	109,4	461,9	128,9	55,9	112,2
Qamashi	94,0	110,9	27,5	107,9	259,5	105,5	128,5	162,9	79,9	116
Qarshi	123,8	113,5	20,8	111,5	277,0	105,1	182,9	171,5	134,7	118,2
Koson	208,1	105,0	102,4	101,6	291,3	104,9	97,8	117,4	107,6	146,6
Kitob	67,9	121,5	45,4	110,4	262,4	107,8	72,1	100,4	106,6	138,4
Mirishkor	74,2	111,9	14,7	108,6	220,8	105,6	362,3	147,7	55,5	123,1
Muborak	2343,9	111,0	17,6	107,5	133,2	105,5	475,8	50,2	114,9	106,7
Nishon	79,9	112,0	15,3	104,7	199,5	102,5	478,9	161,5	68,4	139,2
Kasbi	85,4	110,8	9,3	104,8	231,7	104,9	52,8	125,6	61,8	114,6
Chiroqchi	77,3	113,9	48,1	109,2	341,1	110,1	76,5	104,3	76,4	113,6
Shahrisabz	272,8	108,1	224,7	109,9	252,4	106	120,0	161,0	115,5	130,5
Yakkabog'	81,1	111,6	47,2	106,5	261,3	108,5	132,2	130,0	95,2	107,6
bo'linmaydigan hajmlar	488,3	110,1	x	x	x	x	x	x	x	x

8-жадвал

Қашқадарё вилоятининг ижтимоий соҳа бўйича асосий кўрсаткичлари тўғрисида
маълумот

2016 йил 1 январ ҳолати

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори			2015 йилда 2013 йилга нисбатан ўзгариши	
		2013 й.	2014 й.	2015 й.	(+,-)	%
<u>I. Халқ таълими</u>						
1. Мактабгача таълим муассасалари сони	<i>бирлик</i>	336	331	329	-7	97,9
Улардаги тарбияланувчилар сони	<i>киши</i>	29300	29300	40500	11200	138,2
Тарбиячилар сони	<i>киши</i>	2211	1968	2109	-102	95,4
Мактабгача таълим муассасаларининг тўлдирилганлик даражаси	%	128,5	128,5	92,9	-35,6	72,3
Мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасалари хизматлари билан қамраб олиш даражаси	%	9,6	12,4	12,2	2,6	127,1
2. Умумтаълим мактаблари	<i>бирлик</i>	1118	1121	1121	3	100,3
шундан: Махсус мактаб интернатлари	<i>бирлик</i>	4	4	4	0	100,0
Жами мактабларда ўқувчилар сони	<i>киши</i>	477300	475400	477600	300	100,1
Жами мактабларда ўқитувчилар сони	<i>киши</i>	50200	49500	48000	-2200	95,6
<u>II. Ўрта-махсус таълим</u>					0	
1. Касб-ҳунар коллежлари	<i>бирлик</i>	136	137	137	1	100,7
Улардаги ўқувчилар сони	<i>киши</i>	145500	145900	146300	800	100,5
Улардаги ўқитувчилар сони	<i>киши</i>	10136	10414	10677	541	105,3
2. Академик лицейлар	<i>бирлик</i>	7	7	7	0	100,0
Улардаги ўқувчилар сони	<i>минг киши</i>	6400	6200	5800	-600	90,6
Улардаги ўқитувчилар сони	<i>киши</i>	427	432	437	10	102,3
<u>III. Олий ўқув юртлари</u>	<i>сон</i>	3	3	3	0	100,0
Улардаги талабалар сони	<i>минг киши</i>	11151	12340	12900	1749	115,7
Жами ўқитувчилар сони	<i>киши</i>	934	905	959	25	102,7

Фан докторлари	киши	27	25	29	2	107,4
Фан номзодлари	киши	282	283	281	-1	99,6
<u>IV. Соғлиқни сақлаш</u>					0	
Стационар шифохоналар сони	бирлик	82	55	60	-22	73,2
Бир кеча-кундузда касаллар ўринлари сони	ўрин	10643	10344	10066	-577	94,6
Жами врачлик амбулатория-поликлиник муассасалари сони	бирлик	353	331	329	-24	93,2
Амбулатория-поликлиника муассасаларнинг қуввати	1 сменада қатновчи	26827	26542	25722	-1105	95,9
ҚВПлар сони	бирлик	264	265	256	-8	97,0
Таъминланиш:					0	
ҳар 10 минг аҳолига					0	
Касалхонадаги ўринлар сони	ўрин	37,6	35,7	33,9	-3,7	90,2
Врачлар сони	киши	5044	4986	4921	-123	97,6
Тиббий ҳамширалар сони	киши	28753	39386	29499	746	102,6
<u>V. Маданият</u>					0	
Клуб муассасалари	бирлик	118	118	74	-44	62,7
Клуб ва маданият уйларидаги ўринлар	ўрин	11435	11435	14324	2889	125,3
Маданият, истироҳат, дам олиш боғлари	бирлик	14	14	15	1	107,1
Театрлар	бирлик	2	2	2	0	100,0
Филармония	бирлик	-	-	-	-	
Кутубхоналар сони	бирлик	1	1	1	0	100,0
Ахборот ресурс-маркази кутубхона фонди	минг нуса	308379	308952	314736	6357	102,1
<u>V. Болалар спорти ва мусиқа мактаблари</u>					0	
Болалар спорти объектлари	Сони	34	34	34	0	100,0
Болалар спорти объектлари	Ўрин	4210	4210	4210	0	100,0
Мусиқа мактаблари	Сони	18	18	18	0	100,0
Мусиқа мактаблари	Ўрин	2900	2900	2900	0	100,0

Манба: Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ҳудудларни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармаси маълумоти

9-жадвал

Қашқадарё вилоятида аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори			2015 йилда 2013 йилга нисбатан ўзгариши	
		2013 й.	2014 й.	2015 й.	(+,-)	%
Пуллик хизматлар ҳажми	млн. сўм	719617	1003200	1286870	567253	178,8
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	116,6	116,8	111,7	-4,9	95,8
Аҳоли жон бошига	минг сўм	256,7	350,4	441,1	184,4	171,8
Маиший хизматлар ҳажми	млн. сўм	70754,7	123481	147375	76620,3	208,3
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	117,7	121,4	110,4	-7,3	93,8
Аҳоли жон бошига	минг сўм	25,2	43,1	50,5	25,3	200,4

Манба: Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ҳудудларни комплекс ривожлантириш йизма бошқармаси маълумоти

10-жадвал

Қашқадарё вилоятида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қуриш тўғрисидаги маълумотлар

2016 йил 1 январ ҳолати

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори			2015 йилда 2013 йилга нисбатан ўзгариши	
		2013 й.	2014 й.	2015 й.	(+,-)	%
Фойдаланишга топширилган намунавий уйлар сони	бирлик	870	1050	1172	302	134,71
Фойдаланишга топширилган уйлар майдони	м ²	128806	148857	164463	35657	127,68
Намунавий уйларга ўтказилган газ тармоқлари	км	23,3	37,4	21,1	-2,2	90,56
Намунавий уйларга ўтказилган ичимлик суви тармоқлари	км	53	56,1	60,6	7,6	114,34
Намунавий уйларга ўтказилган ички йўллар	км	-	26	-	0	-

Манба: Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ҳудудларни комплекс ривожлантириш йиғма
бошқармаси маълумоти

Хулоса ва таклифлар

Ушбу БМИда “Иқтисодиётни модернизациялашда иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш йўллари” мавзуси ёритилган бўлиб, асосан вилоятнинг 2013-2015 йиллардаги иқтисодий кўрсаткичлари ўрганиб чиқилди ва таҳлил қилинди.

Бизга маълумки, иқтисодиётни модернизациялашда иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантириш бугунги кунда долзарб масала ҳисобланади. Битирув малакавий ишда мавзунинг илмий-назарий асослари ва объектив зарурияти ёритилди. Таҳлил қилишда Қашқадарё вилоятида иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмаси ривожланишининг ҳозирги ҳолати кўриб чиқилди. Шунингдек, иқтисодиётни модернизациялашда иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари аниқланди.

Келажакда иқтисодиётни модернизациялашда иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида кўйидаги таклифларни тавсия қиламан.

1. Иқтисодиётни модернизациялашда иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасининг замонавий турларини янада кўпайтириш.
2. Қашқадарё вилоятида иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида кадрларни малакасини ошириш ва хорижий тажрибаларни ўрганиш учун шарт-шароитлар яратиш. Бунда замонавий компьютер кўникмаларига ва чет тилларни ўзлаштира оладиган мутахассислар билан таъминланиш амалга оширилиши лозим.
3. Вилоят хизмат кўрсатиш субъектларида янги иш ўринларини барпо этиш соҳаларида қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тизимини ишлаб чиқиш ва ёшларни иш билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш.
4. Кўрсатилаётган хизмат турлари, сарф харажатлар ва уларнинг сифати юзасидан мониторинг олиб бориш ва уни таҳлил қилиш.
5. Иқтисодий субъектлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар орқали аҳоли турмуш даражасини яхшилаш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш учун замонавий ва мини технологиялар олиб киришни йўлга қўйиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга эришиш.
6. Иқтисодий субъектлар фаолиятида маркетинг тизимини яхшилаш ва инвестициялар жалб этишни такомиллаштириш ҳамда замонавий технологиялар кўرғазмалари, лизинг хизмати, дилер ва брокерлар хизматларидан самарали фойдаланишни амалга ошириш.
7. Вилоят қишлоқ хўжалигида замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган саноат ишлаб чиқаришини вужудга келтириш, фермер хўжаликларида қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатларини тежаш ва маҳсулот таннархини пасайтириш.
8. Инфратузилма шахобчаларини ташкил этишни оптимал жойлаштириш, жойларда ташкил этилган ЁММ ва минерал ўғитларни етказиб бериш шахобчаларини юридик шахс мақоми даражасига етказиш, корхоналарни

Низомлари асосида фаолият юритишини таъминлаш ва самарадорликни ошириш эришиш.

9. Инфратузилма субъектлари томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўз вақтида сотиш, экспорт қилиш ишларида биржа электрон савдо хизматларидан фойдаланишни такомиллаштириш.

10. Инфратузилма субъектлари ходимларини иқтисодий, ҳуқуқий билимларини мунтазам ошириб бориш, илғор хориж тажрибаларидан фойдаланиш ва илмий-амалий семинарлар ташкил этиш. Вилоят ва туман миқёсида ташкил этилган ахборот, консалтинг ва ҳуқуқий хизматларни янада ривожлантириш ва улардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

11. Вилоят инфратузилма субъектлари томонидан барча турдаги сервис хизмати кўрсатишни яхшилаш, замонавий юк ташийдиган, махсус, ихчам ва кам харажат талаб қиладиган транспорт воситалари сонини кўпайтириш ҳамда рентабеллик даражасини ошириш мақсадида аҳолига барча турдаги хизмат кўрсатишни такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса ўрнида келтирилган барча тадбирларни амалга ошириш ҳамда мамлакатимиз томонидан бериладиган имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунларидан, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Президент Фармонлари ва вилоятимизда амалга оширилаётган чора-тадбирларни ўз вақтида қўллаш, моддий-техника базасидан самарали фойдаланиш, интеграциялашув жараёнининг ижобий томонларини ўзлаштириш натижасида истиқболдаги вазифаларнинг бажарилишига имкон яратиш, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардан ўз ўрнида, ўз вақтида фойдаланиш, иқтисодиётни модернизациялашда иқтисодий субъектларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштиришни янада ривожлантиришга ҳамда Қашқадарё вилояти бўйича хизмат кўрсатиш инфратузилмасининг самарадорлигини ошириш долзарб деб ҳисоблайман.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати
I. Расмий материаллар
1.1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т: Ўзбекистон, 2012. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикаси «Мулкчилик тўғрисида»ги Қонуни. 2003 йил 7 май.
3. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. -Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси”, 2010йил.
4. Ўзбекистон Республикаси «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни. 1996 йил 24 апрел.
5. 1.6 Ўзбекистон Республикасининг «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Қонуни. 1996 йил 27 декабрь.
6. 1.7 Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. 1998 йил 24 декабр.
7. 1.8 Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Қонуни. 1998 йил 25 декабр.
8. 1.9 Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхоналар тўғрисида»ги Қонуни. 2003 йил 11 декабрь.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонуни. // Халқ сўзи. 7 январь 2012 йил.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари
ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари**

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 майдаги “Хизмат кўрсатиш ва хизмат кўрсатиш соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш тугрисида”ги ПҚ-325-сонли қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги ПҚ-640-сонли қарори.
- 1.2.3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майдаги “Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-112 сон қарори “Халқ сўзи” 2009 йил 19 май.
- 1.2.4 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони. 2005 йил 21 июл.
- 1.2.5 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Улгуржи ва чакана савдони либераллаштириш ҳамда уни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони 2006 йил 23 феврал.

1.2.6 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори. 2006 йил 6 март

1.2.7 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1047-сонли “Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.

1.2.8 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисм ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида”ги 2009 йил 27 январдаги ПҚ-1048-сонли қарори.

1.2.10 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг умумий-овқатланиш маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва сотиш қоидалари тугрисида»ги 75-сонли қарори 2003 йил 13 феврал.

1.2.11 «Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида корхоналарни ва инвестицион фаолликни кредит йўли билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2008 йил 31- декабрда қабул қилинган 288-сонли қарори.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2008 йил 28 ноябрдаги “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида” ги ПФ-4058 фармони.
2. 1.15. “Хусусий тадбиркорлик субъектлари, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”. 2003 йил 30 август № ПФ-3305-сон фармони.

1.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

16. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

17. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.// Т.: Ўзбекистон, 2010. – 47 б.

18. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.// Т.: Ўзбекистон, 2011. – б.

20. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” 2010 йил 13-ноябр.

21. Каримов И.А “2012 -йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”//“Халқ сўзи” 2012 йил 20 январ

22. Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”. Тошкент Ўзбекистон, 2011 йил
23. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз-кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2013. 19 январ
24. Каримов И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” Халқ сўзи газетаси, 18.01.2014
25. Каримов И.А. “2015-йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир”. // “Халқ сўзи” 17.01.2015
26. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз- мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир”. “Халқ сўзи”// 2016 йил 16 январ

II. Монографиялар, китоблар, рисоалар, илмий мақолалар ва матбуот нашрлари

27. Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик-Т.: Фан, 2005-288 бет.
28. Абдуғаниев А. “Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти” Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти Тошкент, 2004 й, 304 бет.
29. Айбенов Х., Рахмонов М., “Дехқон ва фермер хўжаликларини молиялаштириш”-Т.: 57 бет. Ўзбекистон Иқтисодий Ахборотномаси -2004 йил 9-10 сони.
30. Бурменко Т.Д. Экономика сферы услуг (Вводный курс) / Т.Д.Бурменко. – Иркутск: Изд-во БГУЭП, 2004. –С. 457.
31. Волков Ю.Ф. Экономика гостиничного бизнеса : учебное пособие. Феникс, 2005.-380 с.

“Бозор Ислохотларини чуқурлаштириш шароитида қишлоқ аҳолиси фаровонлигини оширишнинг стратегияси ва истиқболлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани маърузалар тўплами, Қарши, 2009 йил, 263 бет.

36. Ишмухаммедов А., Асқарова М. “Ўзбекистон миллий иқтисодиёти”- Т.:2004 й, 154 б. Ўқув қўлланма.

37. Пардаев М.Қ., Мамасоатов Т. “Инновацион иқтисодиётни ривожлантириш-мамлакатимиз тараққиётининг бош омили”. “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида ишлаб чиқариш соҳаларини инновацион ривожлантириш муаммолари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси тўплами. Қарши 2012 йил, 8-12 бетлар.

40. Қодиров А, Гаибназарова З.Т. ”Инновацион инвестиция ва унга таъсир этувчи омиллар” “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида ишлаб чиқариш соҳаларини инновацион ривожлантириш муаммолари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси тўплами. Қарши 2012 йил, 276-279 бетлар.

1.1.1. Пардаев М.Қ., Атабаев Р., Пардаев Б.Р. Туризм соҳасини ривожлантириш имкониятлари. Рисола. Т.: ‘Fan va texnoloqiya’, 2007. – 28 б.- Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И., Гаппаров А.Қ. Хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш муаммолари. Рисола. Самарқанд. “Зарафшон”, 2009. - 66 б.- 4,1 б.т.

2. Аминов З.Ю. Хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди. Дис. автореферати. Самарқанд: СамИСИ, 2009.- 26 б.

41. Файзиева Ш.Ш., Тоштемиров Э.Т. “Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда иқтисодий ислохотларнинг аҳамияти”. “Биржа эксперт” журнали, № 2, 2009 йил 11-12 бетлар.

46.

III. Интернет маълумотлари

47. www.tdiu-makro.narod.ru,

50. www.agrobusiness.ru

6.1.<http://www.stat.uz>

6.2.<http://www.ecsocmen.edu.uz>

6.3.<http://www.worldbank.org>.

6.4.<http://www.region.uz>

6.5.<http://www.lex.uz>

IV. Ҳисобот ва маълумотлар

51. Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт бош бошқармасининг маълумотлари. 2013-2015 йй.

52. Қашқадарё вилоят Қарши шаҳри ҳокимлиги иқтисодиёт бўлимининг 2013-2015 йиллардаги иқтисодий кўрсаткичлари ва йиллик ҳисоботлари.